

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
ТАРИХ КАФЕДРАСИ**

**Тарих йўналиши 13.437 -гуруҳ битириувчиси
Тўйчиев Жўрабек Муқумжон ўғлининг**

**Тарих фанини ўқитишининг интерактив усуллари
мавзусидаги**

**БИТИРИУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

Илмий раҳбар – п.ф.д.проф. Т.А.Эгамбердиева

ФАРГОНА – 2017

Мундарижа

Кириш

I боб: Интерактив усул – таълим жараёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчи ўртасидаги фаолликни ошириш омили.....
I.1. Интерактив усул таълим- тарбия жараёнигаги ўзига хос - инновацион ёндашувдир
I.2. Тарих дарсларида интерактив усул асосидаги дарсларни лоихалаш.....
II боб. Тарих дарсларида интерактив усуллардан фойдаланиш.....
II.1.Тарих дарсларида тарихий тасаввур ва тушунчаларни шакллантиришда интерактив усуллардан фойдаланиш
II.2.Интерактив усулларининг ютуқлари ва таълим жараёнидаги аҳамияти.....
Хулоса.....
Фойдаланилган адабиётлар.....

Кириш

Бизга маълумки, ҳар бир давлатнинг ривожланиши унинг ахолисини интеллектуал салоҳиятига бевосита боғлиқ. Интеллектуал салоҳият кадрларнинг ҳалқаро андозалардаги замонавий тараққиётни таъминлай оладиган мустақил фикри, малакаси, билими ҳамда юксак инсоний фазилатлари билан белгиланади.

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, келажак учун баркамол авлодни тарбиялаш ишлари давлат сиёсатининг устивор йўналишига айланди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад, юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан янги даврда яшайдиган, янгича фикрлайдиган, янги ишлаб чиқариш, ижтимоий шароитларда фаолият кўрсатадиган, замонавий касбий маҳоратга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлашнинг “Ўзбек модели”ни хаётга тадбиқ этилганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг: “Давлатимиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларданоқ интеллектуал салоҳияти юқори кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган давлат сиёсатини юритиб келмоқда. Бу йўлда амалга оширилган асосий вазифалардан бири мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришга асос бўладиган янги таълим тизимининг ташкил этилишидир. 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” уни амалга ошириш учун хуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда”¹, деган фикрлари бунинг яққол далилидир.

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Шарқ”, 1997. Б.24.

Ўзбекистоннинг келажаги, унинг истиқболи, биринчи навбатда ёшлар тарбиясига, уларни соғлом қилиб ўстиришга, миллий ғоя, миллий мафкура ва ўз Ватанига садоқат руҳида тарбиялашга боғлиқ бўлиб, бу мураккаб жараённи муваффақиятли амалга ошириш мустақил мамлакатнинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишда, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари даражасига эришишида тадрижий ривожланиш йўли танлангани, ўзбек халқига хос, тарихан қарор топган умуминсоний ва миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар, ахлоқий сифатлар ва фазилатлар қўл келмоқда.

Шунинг учун ҳам, истиқболи ёш авлодларимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғлик фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканлигини ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Шу боисдан ҳам бугунги кунда ёшларнинг таълим-тарбияси мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсатида устивор аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва ушбу дастур асосида олиб борилган ислоҳотлар натижасида таълим сифати ва самарадорлиги кескин ошди. Таълим муассасаларининг моддий-техник базалари мустаҳкамланди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, замонавий таълим тизимининг жорий этилиши бугунги кунда ижобий натижалар бермоқда. Эндиғи, биз педагогларнинг асосий вазифаси замонавий техник таъминотга эга таълим муассасаларида талаблар даражасида инновацион таълим технологиялари асосида ёшларимизга таълим-тарбия беришдан иборат бўлмоғи лозим.

Бунинг учун ҳар бир педагог ўз устида доимий ишлиши, замондан орқада қолмаслиги, ўқитишининг инновацион технологияларини пухта билиши ва уни ўз педагогик фаолиятида жорий этиши зарур. Агар педагог ёшлар билан ҳамнафас фикрламаса, замон янгиликларига ва талабларига ёшларданда

тез бўлмаса, унинг таълим-тарбия соҳасидаги фаолияти самарасиз бўлиб қолади.

Жамият ривожидаги илмий- техникавий тараққиёт ишлаб чиқаришни технологиялаштиришга олиб келади. Ҳозирги даврда технологиялаштириш жараёни ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Технологиялаштириш объектив жараён бўлиб, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига кириб борди, улар эволюциясининг янги вазифаларини сифатли ҳал этилишига асос солади.

Технологиялаштириш тушунчасини бевосита педагогик жараёнлар билан боғласак, у ҳолда таълим- тарбия қонуниятларини амалга ошириш, уларнинг янги қонуниятларининг ўзига хос қирраларини кашф этиш асосида умумий мақсадга эришиш- ижобий сифат ўзгаришларига эга бўлган баркамол авлод шахсини шакллантириш тушунилади. Ёки педагогик технологизацияни шахсда янги сифат ўзгаришларини лойиҳаловчи, кутилажак натижани кафолатловчи, таълим- тарбияни ташкил этиш, бошқариш ва амалга оширишнинг тизимли жараёни, деб тушуниш мумкин.

Педагогик технологиялар таълим- тарбия жараёнига ўзига хос бўлган инновацион ёндашувдир. У педагогикада ижтимоий- муҳандислик тафаккурининг ифодаси, ўқитиши, тарбиялаш жараёнини маълум даражада стандарт ҳолатга солиб, унинг оптималь лойиҳасини тузиш билан боғлиқ тушунчадир. Жумладан, ўқитишининг вазхонлик усусларидан воз кечиб, компьютерлар, таълимнинг техник воситалари ёрдамида ўқитиши, ўқувчининг билиш фаолиятининг бошқарувчиси, ташкилотчиси, маслаҳатчиси, якуний натижага эришишга йўлловчи- ўқитувчи, устоз раҳбарлигида ўқувчиларнинг кўпроқ мустақил фаолиятини ташкил этиш ва энг муҳими ўқитувчининг деярли ҳар хил натижага эришиш имкониятининг мавжудлигидир. Айниқса, ўқитишига ягона давлат таълим стандартлари жорий этилган, жаҳоннинг барча давлатлари андозалари талабига жавоб берга оладиган мутахассислар тайёрлашнинг ҳозирги даврида кейинги ҳолат алоҳида аҳамият касб этади. Ўқув жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этилганда таълим

мақсадлари белгиланади ёки лойиҳаланади, кутилаётган якуний натижабий сифат ўзгариши кафолатланади, ўқув жараёнининг такрорланувчи цикли яратилади, тезкор қайтувчи алоқа вужудга келади, ўқув мақсадлари, ўқув жараёнига керакли тузатишлар киритилиб борилаверади.

Мавзунинг долзарблиги ва ўрганилиш даражаси: «Чукур таҳлил, мантиққа асосланмаган бир ёқлама фикр одамларни, энг аввало тарих ўқитувчиларини чалғитади. Улар эшитганларни ҳақиқат шу экан, деб ўқувчиларга ҳам этказишади. Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин»². Республикаизда кадрлар тайёрлаш ва таълим тизими чуқур ислоҳ қилинмоқда. Қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги Қонун”, “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури” бу ислоҳотларни бошлаб берди. Ҳозирги кунда янги типдаги ўқув юртлари, академик литеялар, коллежлар барпо қилинди, Давлат таълим стандартлари яратилди, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, олий ўқув юртлари замонавий жиҳозлар, ахборот техник воситалари билан қуроллантирилди. Фуқароларимизнинг интеллектуал салоҳияти ўсди, табиат, жамият сирларини, фан асосларини ўрганишга бўлган қизиқишилари янада ортди. Ишлаб чиқаришни технологиялаштириш жараёни жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Бинобарин, илмий техниковий тараққиёт саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт каби кўп сонли тармоқлар билан бир қаторда маданият, маъориф соҳасини, ижтимоий- гуманитар фанлар доирасини ҳам технологиялаштиришни тақозо этмоқда.

Ҳозирги кунда Республикаизда таълим- тарбия жараёнини технологиялаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг Олий мажлис XIV сессиясида сўзлаган нутқида “Янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот

² Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Шарқ”, 1997.Б. 8-9.

технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни, таҳминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур”, деб белгиланди. Шу нуқтаи назардан педагогик технологияларга оид дарсликлар, услугбий қўлланмалар, тавсиялар, йўлланмалар ишлаб чиқиш педагоглар, услугчиларнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Юқоридаги вазифанинг қўйилиши танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Халқимизнинг маънавий рухини камолга етказишда, юксак ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашда ва истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдиришда тарих фанининг беқиёс ролини ҳеч ким инкор қилмаса керак.

“Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб йетишга суюнгандагина қудратли кучга айланади ... ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди”³ - деган эди биринчи Президентимиз Ислом Каримов.

Тарихдан дарс бериш жараёнининг таркибий қисмлари (мақсади, мазмуни, ўқитишининг усуллари, натижалари) ўртасидаги қонуниятли алоқалар мавжуд. Уларни таниқли олим, профессор А.Саъдиев қўйидагича намоён бўлишини кўрсатиб ўтади: “Мактаб тарих курсининг мақсади, таълим-тарбия вазифаларини мувоффақиятли амалга оширилиши ўқитишининг мазмунига, унинг ғоявий-сиёсий ва назарий жиҳатдан пишиқ бўлишига боғлиқ бўлганидек, ўқувчиларнинг тарих курсини ўзлаштириш даражаси ҳам ўз вақтида ўқитиши илмий асосда, мақсадга мувофиқ ташкил қилинишига, ўқитувчининг ўрганиладиган мавзунинг мақсади, таълим-тарбия вазифалари ва мазмунига мос келадиган ўқитиш метод ва усулларидан қай даражадан фойдалана билишга боғлиқдир. Шунингдек, ўқитишининг натижалари ҳам ўқитувчининг ўқитишдан кўзланган мақсадини, унинг таълим-тарбиявий вазифаларини аниқ белгилай олишига, курснинг мазмунига мос тарзда амалга оширишга ёрдам бера оладиган метод усуллардан илмий асосда фойдалана билишга боғлиқдир. Тарих ўқитиш жараёнининг таркибий қисмлари

³Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Шарқ”, 1997..Б. 11.

ўртасидаги бу ўзаро диалектик боғланиш натижасида улар бир-бирига узлуксиз таъсир кўрсатиб боради. Тарих ўқитишида ана шу қонуниятларга суюнмасдан, уларни эътиборга олмасдан туриб яхши натижага эришиб бўлмайди.” Демак тарих ўқитиши деганда, тарихий материал воситасида ўқувчиларга билим бериш тушунилади. Тарих курсининг мазмуни деганда, биринчи галда тарих фани дастурида белгилаб берилган тарихий билимлар кўлами, ўқув материали унинг асл мазмунини, тарихий фактларни миллий мафкурамиз нуқтаи-назаридан таҳлил қила олиш ва хулоса чиқара олиш, шу жумладан уларни илмий тадқиқ қилиш ишларининг энг оддий формаларини эгаллашлари кўзда тутилади.

Бугунги кун талаби ўқувчиларни интерактив усувлар асосида ўқитиши юзасидан бир қатор олимлар ва услубчилар ўз асарларида ёритиб ўтганлар. Жумладан, Жуманиёзова М.Т. Очилов М., Йўлдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Имомназаров М., эшмухамедова М., Толипов У., Усмонбоева М., Голиш Л.В., Сайидаҳмедов Н., Толипов. Ў., Усмонбоева. М., Сафин Д.В., Мусина Р.Г., Уралова М., Давлятова Г.лар ўқитиши усувлари тўгрисида тегишли тавсиялар беришган⁴.

⁴ Жуманиёзова М.Т. Фарғона вилояти таянч мактаблари негизида ўқитувчиларни малакасини ошириш тажриба-синов курси учун ўқув режа, дастур, машғулотлар жадвали ва ўқув –методик мажмуя. Т.: 2010.-295 б. Очилов М. Муаллим –қалб мъемори. –Т.: Ўқитувчи, 2001.-430 б. Баубекова Г. Педагогическое мастерство.- Т., 2000. Йўлдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари.-Т, 2001. Имомназаров М., эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т.: Тошкент ислом университети.- 2001. Ишмуҳамедов Р.Ж. Болаларни тарбиялаш ва согломлаштириш ишларида педагогик технология (ўзбек ва рус тилларида).- Т.: УДАП, 2004. – 233 б. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инноватсион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари.-Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2004, 2008 (қайта нашр). - 44 б. Ишмуҳамедов Р. Ўқув жараённида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни кўллаш услубияти. - Т.: РБИММ, 2008. – 68 б. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инноватсион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъод, 2008.-180 б. Ишмуҳамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инноватсион технологиялар (таълим муассасалари ўқитувчилари, тарбиячилари, гурух раҳбарлари учун амалий тавсиялар).– Т.: Истеъод, 2010.-140 б. Коджаспирова Г.М. Педагогика в схемах, таблицах и опорных конспектах./ М.: Айрис-пресс, 2006. Толипов У., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т.: 2006. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумтаълим мактабида ўқитиши методлари - Т.: Ўқитувчи, 1990.- 229 б. Голиш Л.В. Фаол ўқитиши усувлари: мазмун танлаш, амалга ошириш. Экспресс кўлланма. -Т.: ТАСИС, 2001.-38 б. Сайидаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. - Т., 2003.- 66 б. Толипов. Ў., Усмонбоева. М. Педагогик технология: назария ва амалиёт.-Т.: Фан, 2005. -205 б. Сафин Д.В., Мусина Р.Г. Таълим бериш ва ўқишининг интерфаол усувлари. Ўқув кўлланма. -1-модуль. Интерфаол ўқитишининг назарий асослари. – Т., 2007. Уралова М., Давлятова Г. Машғулотларда интерфаол усувлардан фойдаланиш. Фарғона. 2008.

БМИ натижалари мактабда ва билим юртларида тарих ўқитишининг мақсад ва вазифаларини, мазмунини мувоффақиятли равишда амалга оширилиши; ўқувчиларнинг тарих фани асосларини, тарихий материалга мос самарали метод ва усулларини билиш ва билимлардан фойдалана билиш малакаларини пухта ўзлаштиришлари, ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини, тасаввури ва нутқини, махсус ва умумий қобилияtlарини ўстириш кўзда тутилади.

Шундай қилиб, ўрта умумтаълим ва касб-хунар билим юрти тарих таълими жараёнининг юқоридаги умумий қонуниятлари қуйидаги объектив ва қатъий такрорланадиган алоқаларда намоён бўлади: ўқитишининг мақсади унинг мазмuni билан белигиланади, мақсад ва мазмунга мос келадиган ўқитиши методи ва усуллари танланади, ўқитишининг самараси эса ўқитища эришилган қатъий ижобий натижалар билан текширилади, яъни тарихий билимнинг сифати билан ўлчанади.

БМИнинг илмий аҳамияти: Тарих дарсларида интерактив усуллар бўлажак педагогларни умумтаълим ва касб-хунар билим юртларида тарих ўқитишининг илмий асослари билан таништиради. Шунингдек, жараённи текшириш методлари билан ҳам қуроллантиради.

Тарих дарсларида интерактив усуллар жараёни икки йўл билан ўрганилади. Биринчиси кузатиш методидир. Бу методдан фойдаланилганда турли хилдаги ўқув-услубий адабиётлар, ўқувчиларнинг ёзма ишлари, рефератлари, докладлари, компьютер компакт дискларидағи ёзувлар ўқитишига берилган баҳо ва чиқарилган хulosалар билан танишиб чиқилади, дарслар кузатилади, ўқувчиларнинг билими ва малакалари ўрганилади.

Кузатиш методидан фойдаланилганда тарихдан дарс беришда мавжуд тажрибаси доирасидан четга чиқилмайди, табиий равишда ушбу тажриба ўрганилади.

Иккинчиси эксперимент методи. Ўқитувчи ўқитиши жараёнини ўзи хоҳлаганича уюштиради. Бу катта масъулият талаб этадиган, тажрибали педагогларга хос бўлган методдир, албатта. Педагог ижодий иш қилади ва унинг бу иши илмий экспериментга ўхшаб кетади. Бирок, ўқитувчи қилган ижодий изланишнинг илмий экспериментдан фарқи, аввало шундаки, ўқитувчи дарсда амалий вазифани ҳал қилади, унинг хулосалари эса, ўз фаолиятининг натижаси бўлади.

Тарих дарсларида интерактив усуллар ўқувчиларга тарихий воқейликни билдиришдан иборатдир. Ўқитиши жараёнида ўқувчилар тарих фанини ва унинг баъзи тадқиқот методларини билиб оладилар.

Ушбу битириув малакавий ишини ўрганиш обьекти сифатида. Тарих дарсларида интерактив усуллардан фойдаланиб, ўқувчиларнинг билимларини яхшироқ ўзлаштиришларини ва уларнинг тарих фанини баъзи тадқиқот методлари билан таништиришни кўзда тутади. Ўқувчиларнинг янги фактларни таҳлил этиш ва улардан зарур хулосаларни чиқариш пайтида ўрганган билимлари жуда ҳам мустаҳкам ва ишонарли бўлади, шунингдек, ўқувчилар мустақил фикрлашга ўрганади. Бу уларни тадқиқот олиб боришнинг дастлабки усуллари билан таништиришга ёрдам беради.

Тарих дарсларида интерактив усулларда ўқувчиларнинг ёши, билими, фикрлаш қобилияти ва умуман психик фаолиятини эътиборга олмасдан туриб, уларнинг ўқув фаолиятига самарали таъсир этиб бўлмайди. Шу сабабли методика психология фани билан чамбарчас боғланган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, хуқукий демократик давлат барпо этмоқда. Республикада амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг асосий мақсади ва ҳаракатга келтирувчи кучи инсон, унинг ҳар томонлама ривожланиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини амалга ошириш учун шарт-шароит ва таъсирчан механизмлар барпо этилиши, эски тафаккур ва ижтимоий ҳулқ-атворни ўзгартиришдан иборат. Шундай экан Ўзбекистон Республикасида тарих билимларининг

ривожланишида асосий сабаблардан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур консепсияси хақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида тарих билимлари ривожланишининг навбатдаги муҳим босқичини тарих фани бўйича давлат таълим стандартининг ишлаб чиқилиши билан боғлаш мумкин.

Тадқиқотнинг тузилиши. БМИ кириш, иккита асосий боб, тўртта бўлим, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб: Интерактив усул – таълим жараёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчи ўртасидаги фаолликни ошириш омили

I.1. Интерактив усул таълим- тарбия жараёнигаги ўзига хос - инновацион ёндашувдир

Замонавий шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли – бу машғулотларнинг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш деб хисобланмоқда. Хўш, интерфаол методларнинг ўзи нима? Улар қандай дидактик имкониятларга эга? Таълим жараёнида интерфаол методларнинг ўринли, мақсадга мувофиқ қўлланилиши қандай самараларни кафолатлади? Кўйидаги ана шу каби саволларга қисқача жавоб топилади.

Юқоридаги саволларга жавоб топишда энг тўғри қадам таянч тушунча – “интерфаол” атамасининг луғавий маъноси билан танишишдир.

“Интерфаол” тушунчаси инглиз тилида “interact”(рус тилида “интерактив”) ифодаланиб, луғавий нуқтаи назардан “inter” – ўзаро, икки тарафлама, “act” – ҳаракат қўлмоқ, иш қўрмоқ каби маъноларни англатади

Интерфаол таълим – таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргалиқда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этишга асосланувчи таълим

Интерфаоллик таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгаликлариdir

Мантиқий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг суҳбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятнинг олиб боришлиарини ифодалайди.

Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам суҳбат (диалог)га асосланган ва бу суҳбат қўйидаги ўзаро муносабат шаклларида ташкил этилади:

Ўқитувчи – ўқувчи

Анъанавий таълимдаги
суҳбат иштирокчилари

Ўқитувчи – ўқувчилар
гурухи (жамоаси)

Анъанавий таълимда ҳам табиий равишда сұхбат асосини ахборот ташкил этади. Аммо ахборот узатишининг асосий манбаи ўқитувчининг тажрибаси бўлиб, бу жараёнда у етакчилик, доминантлик қилади, яъни у дарснинг асосий вақтида билимларни оғзаки тарзида ўқувчи (Ўқувчи)ларга етказиб беришга интилади. Фаоллик кўрсатиш ўқитувчигагина хос бўлиб, ўқувчи (Ўқувчи)лар бу вазиятда суст тингловчи бўлиб қолади. Уларнинг асосий вазифаси ўқитувчини тинглаш, зарур ўринларда ёзиш, саволлар билан мурожаат қилинганида жавоб қайтариш, кам ҳолатларда рухсат этилганидагина сўзлашдан иборатдир.

Анъанавий таълимдаги бир томонламалик олий таълим тизимидағи фақат маъруза машғулотларида эмас, семинар дарсларида ҳам устуворлик қилади. Унга кўра, “етказиб берувчи” ролида энди ўқитувчи эмас, балки ўқувчи (Ўқувчи) намоён бўлади. Ўқувчи (Ўқувчи), асосан, ўзи ўзлаштирган билимларни намойиш этади, ўқитувчи эса унинг фикрларини тинглайди, зарур ўринларда саволлар билан мурожаат қилади. Ўқувчи (Ўқувчи)лар гурухи (жамоаси) бу вазиятда бутунлай суст иштирокчи, тингловчи бўлиб қолади. Бир қарашда ўқувчи (Ўқувчи) ёки ўқитувчи томонидан узатилаётган ахборотларнинг қабул қилиниши Ўқувчилар гурухи (жамоаси) учун билимларни ўзлаштириш имкониятини яратадек таассурот уйғотади. Бироқ, психологик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, шу тарзда қабул қилинган билим (маълумот)лар жуда тез унутилади. Хусусан, американлик психолог олимлар Р.Карникау ва Ф.Макэлроунинг ўрганишларига кўра шахснинг табиий физиологик-психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли даражада сақлаб қолиш имконини беради. Яъни шахс: манбани ўзи ўқиганида 10 %; маълумотни эшитганида 20 %; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўрганида 30 %; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўриб, улар тўғрисидаги маълумотларни эшитганида 50 %; маълумот (ахборот)ларни ўзи узатганида (сўзлаганида, билимларини намойиш этганида) 80 %; ўзлаштирилган билим (маълумот, ахборот)ларни ўз

фаолиятига татбиқ этганида 90 % ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлаш имкониятига эга.

Шунга кўра интерфаол ўқитиши “таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гурухи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккilanмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўкув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – ўқувчи – ўқувчилар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-куватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади”⁵.


Замонавий таълим, шу жумладан, унинг тобора оммалашиб бораётган шакли – интерфаол ўқитишида эса шахслар ўртасидаги сухбат (диалог) қуйидаги шахслар ўртасида ташкил этилади:



Интерфаол таълим моҳиятига кўра сухбатнинг “ўқувчи – ахборот-коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши ўқувчи (Ўқувчи)лар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигида ахборот технологиялари ёрдамида билим, қўникма, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади.

Ўқитишининг интерфаол таълимга асосланиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда ва ҳатто “болалар ўйини” каби таассурот уйғотади. Бироқ, бунда ўқитувчининг маълум даражада қуйидаги омилларга эга бўлиши талаб қилинади:

⁵ Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Т., 2012.Б. 122



Шу билан бирга таълимда интерфаол таълимнинг самарадорлиги куйидаги иккиламчи омилларга ҳам боғлиқ:



Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим ёрдамида ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали сухбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил ҳамда танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуктаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни

шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол методларни кўллаш орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.

Одатда интерфаол методларга асосланган таълимий ҳаракатлар қўйидаги шаклларда ташкил этилади:
индивидуал; жуфтлик; гурӯҳ; жамоа билан ишлаш


Интерфаол таълим жараёнида ўқувчи (талаба)лар:

- гурӯҳ ёки жамоа билан ҳамкорликда ишлаш;
- тенгдошлари орасида ўз ғояларини эркин баён қилиш, билимларини ҳеч қандай руҳий тўсиқларсиз намойиш этиш;
- муаммони ҳал қилишга ижодий ёндашиш;
- гурӯҳ ёки жамоадошлари билан руҳий яқинликка эришиш;
- ўз ички имконият ва қобилиятларини тўлиқ намоён қила олиш;
- фикрлаш, фикрларни умумлаштириш ва улар орасидан энг муҳимларини саралаш;
- ўз фаолиятини назорат қилиш ва мустақил баҳолаш;
- ўз имкониятлари ва кучига ишонч ҳосил қилиш;
- турли вазиятларда ҳаракатланиш ва мураккаб вазиятлардан чиқа олиш кўникмаларини ўзлаштириш каби имкониятларга эга бўлади

Интерфаол таълим:

- таълим олувчи (ўқувчи, талаба)ларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни уйғотади;
- таълим жараёнининг ҳар бир иштироқчисини рағбатлантиради;
- ҳар бир ўқувчи (талаба)нинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади;
- ўкув материалиининг самарали ўзлаштирилиши учун қулай шароит яратади;
- ўқувчи (талаба)ларга кўп томонлама таъсир кўрсатади;
 - ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзулар бўйича фикр ҳамда муносабатни уйғотади;
- ўқувчи (талаба)ларда ҳаётӣ зарур кўникма, малакаларни шакллантиради;
- ўқувчи (талаба)ларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартирилишини таъминлайди

Интерфаол таълимнинг асосий белгилари қўйидагилардир:



Изоҳ: Рефлексия (лотинча “рефлехио” – ортга қайтиш, акс этиш): кишининг ўз хатти-харакатлари, уларнинг асосларини тушуниб этиши, фаҳмлашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида фаолияти; шахсий кечинмалари, ҳис-туйғулари ва ўй-хаёллари моҳиятини фикрлаш орқали англаш)⁶.

Интерфаол таълим қўйидаги тамойилларга асосланади:

1. Машғулот – маъруза эмас, балки жамоанинг умумий иши.
2. Гурухнинг тажрибаси ўқитувчи (педагог)нинг тажрибасидан кўп.
3. Ўқувчилар ёш, ижтимоий мавқе ва тажрибага кўра ўзаро тенг.
4. Ҳар бир ўқувчи ўрганилаётган муаммо юзасидан ўз фикрини айтиш хукуқига эга.
5. Машғулотда ўқувчи шахси танқид қилинмайди (фикр танқид қилиниши мумкин).
6. Билдирилган ғоялар ўқувчиларнинг фаолиятини бошқармайди, балки фикрлаш учун ахборот (маълумот) бўлиб хизмат қиласди

Таълимни ташкил этишга интерфаол ёндашувни қарор топшириш учун ўқитувчи (педагог)лар бир қатор шартларга риоя эта олишлари зарур. Улар:




Изоҳ: Стуллар кичик ва катта доира шаклида жойлаштирилганда кичик доирада ўқувчилар, катта доирада эксперт гурухи жойлашади.

Бугунги кунда жаҳон таълим тизимида интерфаол ўқитишнинг қўйидаги шаклларда амалга оширилаётганлиги барчага маълум:

⁶ Педагогик маҳорат: схема ва расмларда / Методик қўлланма. Н.Эркабоева, М.Усмонбоева, М.Иргашова, Н.Хўжаназарова. – Т;ТДПУ, 2012. – 14-бет.

Асосий шакллар



Интерфаол таълим асосини интерфаол методлар ташкил этади. “Таълим жараёнида ўкувчилар ҳамда ўқитувчи ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш, фаолликни ошириш таълим олувчилар томонидан билимларни самарали ўзлаштириш, уларда шахсий сифатларни ривожлантиришга хизмат қиласидиган методлар интерфаол методлар саналади”⁷. Қўлланманинг кейинги бўлимида интерфаол методлар, уларнинг моҳияти, қўлланиш шартлари ва дидактик имкониятлари тўғрисида сўз юритилади.

Таълимнинг интерфаол стратегиялари таълимда янгиликлар сирасига киради. Бугунги кунда жаҳоннинг барча давлатлари таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишига интилмоқд. Бу янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий ёндошувни талаб этади. Янгиликлар келажак учун узоқ муддатли инвецициялардир. Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим.

⁷ Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланмана. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Т., 2012. – 140-141-бетлар.

Аввало фандаги янгилик нима? Фандаги инновация нима? деган саволларга жавоб бериш лозим. Бугунги кунда амалиётда янгилик ва инновация сўзлари ўртасида фарқлар мавжуд. Янгилик бу фандаги энг сўнгги ютуқлар, билимлар, усуллар ҳисобланади. Ушбу ютуқлар, билимлар, усуллар амалда қўлланилиши билан инновацияга айланади.

“Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитишида бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатлардаги қўйидаги инновациялар ва таълим технологиялари қўлланилмоқда. Таълим жараёнида қандай интерфаол усулли технологиялардан фойдаланиляпти ва уларни қўллаш услубиётини келтириш мумкинми?

Қўйида интерфаол усулли технологиялардан намуналар келтиришга ва уларнинг афзалликларини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қиласиз.

Интерактив ўқитиши технологиялари.

- 1) Б/БХ/БО
- 2) Тугалланмаган сўзлар.
- 3) Кластер
- 4) “Балиқ скелети”.
- 5) Венн диаграммаси.
- 6) Ақлий хужум.
- 7) Ёзма “Давра сухбати”
- 8) СВОТ
- 9) ФСМУ
- 10) Концептуал жадваллар
- 11) Муаммо технологияси
- 12) Дебат
- 13) Синквейн
- 14) Кейс-СТАДИ
- 15) Бумеранг ва ҳоказолар.

Инновацион технологиялар ўқувчи, Ўқувчиларнинг фаол ҳаётий муносабатларини шакллантиришга қаратилган. Жумлалан;


ВЕНН ДИАГРАММАСИ 2 ва 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солишириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади.

Тизимли фикрлаш, солишириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Ўқувчилар:

- 1) кичик гурҳларда Венн диаграммасини тузадилар ва кесишмайдиган жойларида мустақиллик даври маданият тараққиётига оид фикрларини ойдинлаштириб олиб, тўлдирадилар.
- 2) жуфтликларга бирлашадилар, ўзларининг диаграммаларини таққослайдилар ва тўлдирадилар.
- 3) доираларнинг кесишувчи жойида икки доира учун умумий бўлган фикрлар рўйхатини тузади.
- 4) иш натижаларининг тақдимоти.

I-илова



КЛАСТЕР

Кластер -ахборот харитасини тузиш йўли - барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофидан ғояларни йиғиши

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очиқ жалб қилишга ёрдам беради.

Ўкувчилар:

1. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг ўртасига “Аҳмонийлар ҳуқумронлиги ва Искандар Зулқарнайн босқини даврида Ўрта Осиё халқлари” деган мавзу номи ёзилади. Жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар.
2. Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўзлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзиб қўшилади. Уларни “асосий” сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштирадилар. Бу “йўлдошлардан” “кичик йўлдошлар” чиқарилади. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки ғоялар тугагунича давом этиши мумкин.
3. Мухокама учун Кластерлар билан алмашинадилар.

2-илова



КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ

З-илова

	Қадимги (антик) даврда ўзбек давлатчилиги		
	Маъмурӣ бирликлар	Бошқарув шакли	Мансаблар
Салавкийлар			
Юнон-Бақтрия			

Б/Б/Б чизмаси – Биламан/ Билишни ҳоҳлайман/ Билиб олдим. Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш қўнималарини ривожлантиради.

Ўқувчилар:

- Жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида /кичик гурухларда жадвални расмийлаштирадилар.
- “Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва “Нимани билишни ҳоҳлайсиз” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини тўлдирадилар.
- Маърузани тинглайдилар, мустақил ўқийдилар.

Мустақил кичик гурухларда жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар

Б/БХ/БО ЖАДВАЛИ

Биламан	Билишни ҳоҳлайман	Билиб олдим

Бир неча манбалардан фойдаланиб маъруза тайёrlаш

Ўқувчилар одатда семинар машғулотларида жавоб бериш учун маъruzалар тайёрлашади. Бунинг учун Ўқувчиларга маъruzалар тайёрлаш йўллари ва имкониятларини ўргатиш лозим. Ана шундай имкониятлардан бири – бу бир неча манбалардан фойдаланиб маъруза тайёрлаш ҳисобланади. Мазкур маъруза жадвал ҳолатида тайёрланиб, Ўқувчига жавоб бериш учун таянч сигнал вазифасини бажаради. Бунинг учун Ўқувчи беш уцундан ва материалнинг ҳажмига қараб бир неча уцундан иборат оддий жадвал тузади. Юқоридаги қатордаги учунларда ахборотнинг турли манбалари номини кўрсатишида: дарсликлар, журнал мақолалари, интернет материаллари, интервьюлар.

Чап томондан биринчи катақнинг ҳар бир қаторига Ўқувчи мавзуга тегишли ёки жавоб олиниши зарур бўлган саволни ёзади:

5-илова

Саволлар	Дарслик	Журнал мақолалари	Интернет материаллар и	Интервъю
Давлатнинг асосий белгилар?				


Антик давр давлатлари “Давра сухбати”

Ёзма “Давра сухбати” – бу биргаликдаги ўқитиш методи бўлиб, бунда қоғоз ва ручка доимо айлана бўйлаб, ўйин иштирокчиларининг кичик гурухи орасида узатиб турилади. Мисол учун, шериклардан бир қандайдир ғояни ёзиб, кейин варакни чап томонидаги шеригига узатади. У ўша ғояга ўзининг қандайдир мулоҳазаларини қўшади ва врақни кейинги кишига узатади. Ушбу русум-коиданинг бошқа вариантида ҳар бир иштирокчи ёзувини ўзининг ранги билан ёзади. Бу умумий фикрни шакллантиришда қўшилган ҳиссани кўринарли даражада кўрсатиб туради ва ўқитувчига тушунишга ва ҳар бирининг иштирокини қайд қилишга ёрдам беради. Таъсвирий санъат “Давра

сұхбати” – бу биргаликда үқитиши методи бўлиб, олдингисига ўхшайди, фақат у оғзаки шаклда ўтказилади. Ҳар бир иштирокчи навбати билан олдинги одам айтган фикрни илғаб олади ва ривожлантиради.


Ёзма “Давра сұхбати”

Антик давр давлатлари (Ҳар ким ёзади ва варақни чап томондаги қўшнисига узатади)



«Балиқ скелети» техникаси.

Ушбу технология катта муаммоларни ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида муаммолар тури ёзилса, пастки қисмида эса мисоллар билан изоҳланади.



Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг ҳозирги замон тизими педагог ходимларга анъанавий ва инновацион таълим технологияларини амалиётда оптимал ечимини топишга имкон яратади.

“ФСМУ”

Янги мавзуни мустаҳкамлаш учун ўқувчиларнинг ўз шахсий фикрларини асослаб беришлари, яъни “ФСМУ” технологияси таклиф қилинади. Бунинг учун ҳар бир гурухга учтадан қоғоз ва рақлари берилади. Уларнинг бирининг ўнг ёки чап бурчагига Ф, иккинчисига С, учинчисига М ва У ҳарфлари ёзилган бўлади. Бунда:

Ф - ўз фикрингни баён қил;

С - нима учун шундай фикрда эканлигингга бирон-бир сабаб келтириб;

М.У. - мисол билан келтирилган сабабни изоҳла деган маънони билдиради.

Масалан:

Ф ФИКР	<i>Ҳар бир киши ўз ҳатти-ҳаракати учун шахсан жавобгардир.</i>
С САБАБ	<i>Бу фикрни шунинг учун келтирдимки, мен бир киши қилган иш учун бир неча кишини жазоланганига гувоҳ бўлганман (Мисоллар ёки вазият тушунтириб берилиши мумкин).</i>
М МИСОЛ	<i>Жавобгар киши жазоланса адолат ғалаба қиласи.</i>
ХУЛОСА	

Таълим мақсадлари-бу муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, янги ҳосил қилиниши лозим бўлган билим, кўнишка ва малакаларни олдиндан белгилаш маҳорати ҳисобланади.

Агар дарснинг мақсадлари аниқланмасдан ўтказилса, у ҳолда унинг мазмуни ва дидактик тузилиши у ёки бу даражада тасодифга боғлиқ бўлади. Дарснинг мақсадлари аниқ бўлган тақдирдагина уларнинг мазмунини

белгилаш ва дарсни дидактик нұқтаи-назардан ишлаб чиқишиш мүмкін. Шу боис, ҳар бир үқитувчи ва педагог учун үқув мақсадларини белгилаш, түғри қўя олиш ва танлаш кўникмаларига эга бўлиш таълим жараёнида жуда муҳим аҳамият касб этади.

I.2. Тарих дарсларида интерактив усул асосидаги дарсларни лоиҳалаш

Жамият ва унинг ижтимоий тараққиёти тарих фанининг обьектини ташкил этади. Бу фаннинг предмети ўтмишда рўй берган воқеа-ходисалар бўлиб, уларни илмий, холис ўрганиш ва ўқувчига ўргатиш, умуман тарих фанини ўқитиш бугунги кунда давлат сиёсати даражасида белгиланади.

Ўқувчиларни ижтимоий онгини шакллантиришда тарих фанининг ўрни ва аҳамияти бугун ҳар қачонгидан ҳам юқори. Шу сабабли мазкур фан ўқитувчилари дарсни замон талаблари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Тарих фанини ўқитишга қўйилган Давлат таълим стандартларини бажаришда дарс жараёнини лойиҳалаш муҳим аҳамиятга эга.

Дарс жараёнини лойиҳалашда ўқитиш методларини түғри танлаш, яъни методларни дарснинг вазифалари ва мазмунига мослиги, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши талаб этилади.

Ўқитувчи дарснинг лойиҳасини ишлаб чиқишида қўйидаги топшириқларни кетма-кет бир бутунликда амалга ошириши керак.

1-босқич: Ўқитувчи дастур, дарслик, методик қўлланма ва синф ўқувчиларининг умумий тавсифи билан танишиб чиқиши лозим.

2-босқич: Дарснинг асосий вазифалари мажмуасини: ўқитиш, таълимий мақсад, тарбиявий мақсад ва ривожлантирувчи мақсадларни ва вазифаларини белгилаш.

3-босқич: Дарснинг асосий босқичларини түғри, аниқ ва изчиллиқда жойлаштириш.

4-босқич: Дарснинг ҳар бир босқичи мазмунидаги асосий ўринли ажратиб олиш.

5-босқич: Дарснинг ҳар бир қисми учун ўқитишиш методларини, воситаларини, технологияларни танлаш.

6-босқич: Дарснинг ҳар бир қисми учун ўқитишининг етакчи; умумсинфий, кичик гуруҳ ва индивидуал шаклини танлаб олиш.

7-босқич: Бўш ўзлаштирувчи ва тайёргарлиги кучли бўлган ўқувчилар учун тафовутланган машқ ва вазифаларни танлаш.

8-босқич: Тегишли синф ўқувчилари учун вақт меъёrlарига мувофиқ уй вазифасининг мақбул ҳажмини танлаш.

Қуйида биз 9-синф «Ўзбекистон тарихи» фанидан «ХIX аср ўрталарида ўзбек хонликларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи ва ердан фойдаланиш тартиби» мавзусидаги 1 соатлик дарснинг лойиҳасини келтириб ўтамиз.

Ушбу мавзуни ўрганишда ДТС бўйича ўқувчилар хонликларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини, давлат бошқаруви, хонликларнинг ҳарбий аҳволи, мавжуд солиқ ва мажбуриятларни, шунингдек, ер эгалигининг шаклларини ва ердан фойдаланиш тартиби ҳақидаги билимларни эгаллашлари талаб этилади.

Яъни ўқитувчи дарс жараёнида юқорида санаб ўтилган билимларни маълум кетма-кетликда ўқувчилар ўзлаштириб олишини таъминлаши керак.

Бугунги кунга келиб, тарихчилар тарихни шу даражада таҳлил қилиб беришдики, натижада тарих дарсларида ўқувчиларга нимани, қайси воқеани ўқитишиш керак ва қандай ўқитишиш керак, деган муаммо пайдо бўлди, чунки саналар, воқеалар, терминлар, алоқалар ва тажрибалар шунчалик кўп.

Шу сабабли ДТС бўйича ҳар бир тарих дарсида ўрганилаётган материалнинг мазмунни, ҳажми, мақсади, моҳиятидан келиб чиқиб, ўқитувчи дарс жараёнининг лойиҳасини ишлаб чиқиши лозим.

Дарсликдаги матн, қўшимча адабиётлар, қўлланма сифатида 9-синф Ўзбекистон тарихи дарслиги, умумий ўрта таълимнинг ДТС ва ўқув дастури,

Б. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон тарихи манбалари», Азамат Зиёнинг «Биз ким, ўзбеклар...» асарлари танлаб олинди.

Мавзуни ўрганиш учун қуидаги режа ишлаб чиқилади:

1. Ўзбек хонликларининг майдони ва аҳолиси.
2. XIX асрда Ўрта Осиёда ер эгалининг шакллари.
3. Суғориш иншоотларининг қурилиши.
4. Мехнаткаш аҳолининг аҳволи.

Мавзуни режаси аниқлаб олингач, ўқитувчи ҳар бир босқичнинг мазмунидаги асосий ўринни ажратиб олиши ва мавзуни ўрганаётганда ўкувчилар диққатини шунга жалб қилишни ташкил этади.

Демак, ўзбек хонликларининг майдони ва аҳолисини ўрганишда асосий эътибор хонликларнинг чегараси, аҳолининг этник таркиби, феодал тарқоқликнинг сабаблари ва оқибатига қаратилади. Бу режани ўрганишда “Чархпалак” методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу метод ўкувчиларда мустақил, эркин фикрлашни ривожлантиради ва ўз нуқтаи назарини баён қилиш имконини беради.

Кейинги босқичда Ўрта Осиё хонликларида ер эгалигининг шакллари ўкувчилар иштирокида таҳлил қилинади. Синф 3 гурухга ажратилади ва ер эгалининг 3 та шаклини (амлок, мулк ва вақф) ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб беради. Бунда ер эгалиги шаклларининг бир-биридан фарқи, ердан ундириладиган солиқ турлари, фойдаланиш тартиби, мерос қилиб қолдириш масалалари муҳокама қилинади.

Мавзуни ўрганишнинг навбатдаги босқичида хонликлардаги суғориш иншоотларининг қурилиши, суғориш тизимини вужудга келиш, хўжаликдаги мавқеи ва аҳамияти, суғориш иншоотларини таъмирлаш масалалари, тўғонлар, каналлар ва ариқлар қазиш, сувдан фойдаланиш тартиби (Шаҳрихонсой, Андижонсой, Чирчик, Бўзсув, Чўпонота тўғони, Зоғарик, Хонариқ, Янгиариқ каналларининг қурилиши) га алоҳида аҳамият бериш лозим.

Бу босқични ўрганишда «Чархпалак» технологиясидан фойдаланишни тавсия этамиз. Бунда олдинги 3 та гурух 3 та хонлиқдаги сув иншоотларини қоғозга ёзиб чиқади. Ўз навбатида қоғозлар чархпалак услубида айлантирилади ва гуруҳлар бир-бирини тўлдириши лозим.

Мавзуни ўрганишнинг навбатдаги босқичида ўша даврдаги меҳнаткаш аҳолининг аҳволи таҳлил қилинади. Бу босқичда ҳар бир ўқувчи топшириқни ёзма бажариб, билдирган фикрини асослаб бериши талаб этилади. Бунда «**ФСМУ** (фикр, сабаб, муроҳаза, умумлаштириш) технологиясидан фойдаланилади.

Демак, бутун дарс давомида метод ва технологияларнинг қўлланилиши куйидаги кетма-кетликка эга бўлди:

- 1. Чархпалак методи.**
- 2. ФСМУ технологияси.**

Ушбу кетма-кетлик мавзуни ўрганиш жараёнида бир бутунликда амалга оширилиши керак, шунингдек, мавзунинг ҳар бир қисми учун метод, восита, технологияларни танлаш баробарида ўқитиш шаклларини (кичик гурух, индивидуал) хам белгилаб борилди.

Дарс лойиҳасини тузишда навбатдаги вазифа бўш ўзлаштирувчи ва тайёргарлиги кучли бўлган ўқувчилар учун тафовутланган машқ ва вазифаларни танлашдир. Бунда бажариладиган топшириқлар оддийдан мураккабга қараб бориши лозим.

Дарс лойиҳасининг якунида уй вазифасининг мазмуни жой олиши керак. Уй вазифаси дарсда ўтилган материалнинг мантиқий давоми бўлиши кераклигини назарда тутиб, юқоридаги мавзу асосида уйга вазифани «Ўзбек хонликларининг XIX асрда ўрталаридағи ҳудудларини дафтарда чизма шаклда тасвирлаш ва унда сугориш тизимларини акс эттириш» қаби мазмунда шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Хулоса сифатида айтиш ўринлики, дарснинг лойиҳасини ишлашда таълимнинг мақсади ва эришиладиган натижалар аниқ кўрсатиб ўтилиши лозим, шунда лойиҳаланган дарслар билим сифатини кафолатлайди.

Таълим методларини танлаш

Қуйида таълим жараёнида фойдаланмоқчи бўлган методларни танлаш вақтида ҳисобга олиш лозим бўлган айрим жиҳатларни кўриб чиқамиз.

Метод танлаш нафақат ўқув мақсадидан, балки ўқув материал мазмунига ва бу фаннинг мураккаблигига боғлиқ. Бундан ташқари методларни танлашда ўқувчиларнинг сони, уларнинг ўқув имкониятлари, таълимнинг давомийлиги, ўқув-моддий шароитлар ва ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

Ўқувчиларнинг сони

Ўқув гуруҳидаги ўқувчиларнинг сони муҳим аҳамиятга эга. Агар улар кўпчилик бўлмаса, энг фаол усулдан фойдаланиб, ўқитишни жадал суръатда олиб бориш мумкин. Агар ўқувчилар кўп бўлса, уларнинг ҳар бирига етарли эътибор бериш учун вақtingиз етиши амри маҳол. Катта гуруҳлар учун ўқув материалини оғзаки баён қилиш усувлари (маъруза, ҳикоя, тушунтириш) кўпроқ мос келади.

Ўқувчиларнинг ўқув имкониятлари

Ўқитиш методларини танлашда ва таълим самарадорлигини оширишда ўқувчиларнинг ўқув имкониятларини ҳисобга олиш жуда муҳим: ёши, тайёргарлик даражаси ҳамда жамоада ўзаро муносабатларнинг ўзига хослигини.

Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш қобилияти ва уни эътиборга олиш муҳимдир. Қуйида ҳаммага маълум даражалардан келиб чиқсан ҳолда, ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришини ўзига хослигини кўриб чиқамиз.

Ўз-ўзини бошқаришнинг биринчи даражаси. Ўқувчи вазифани тўлиқ қабул қиласди, иш охиригача уни тўлиқ сақлайди. Диққат билан, чалғимасдан

ишлиайди. Асосан аниқ ишлиайди, хатога йўл қўйса, текшираётганида буни сезади ва тўғрилайди. Ўқувчи: ишини топширишига шошилмайди, ишни тўғри, чиройли, тартибли бажарилганини яна бир бор текширади.

Ўз-ўзини бошқаришнинг иккинчи даражаси. Ўқувчи вазифани тўлиқ қабул қиласди, уни иш охиригача сақлади. Иш жараёнида баъзи бир хатоларга йўл қўйиши мумкин, лекин уларни сезмайди ва тузатмайди. Ишни текшириш вақтида ҳам хатоларни сезмайди. Яхши баҳо олишга интилиши бўлгани билан, ишни безатилиш сифати уни қизиқтирмайди.

Ўз-ўзини бошқаришнинг учинчи даражаси. Ўқувчи вазифанинг фақат бир кисмини қабул қиласди, лекин машғулот охиригача уни қабул қилган ҳажмини ҳам сақлаб қолмаслиги мумкин. Вазифани бажараётганда фақат эътиборсизлик туфайли эмас, балки вазифани бажариш қоидаларини эслаб қолмаганлиги учун ҳам хатоларга йўл қўяди. Хатоларни одатда сезмайди, иш жараёнида тузатмайди, вазифани текшираётганида ҳам сезмайди. Ишни яхшилашга ҳоҳиш билдирмайди. Олинган натижаларга совуққонлик билан қарайди.

Ўз-ўзини бошқаришнинг тўртинчи даражаси. Ўқувчи вазифанинг кичик кисминигина қабул қиласди, лекин шу заҳотиёқ уни батамом йўқотади. Хатоларни сезмайди, уларни тузатмайди, вазифанинг тўғри бажарилганлигини текширишга вақт кетказмайди. Бажарилган иш сифатига бефарқ.

Ўз-ўзини бошқаришнинг бешинчи даражаси. Ўқувчи вазифани умуман қабул қилмайди. Унинг олдига қандайдир вазифа қўйилганини тушунмайди ҳам. Вазифадан, қалам билан қоғоздан фойдаланиш кераклигинигина илғаб олади. Ҳошия, сатрларни ҳисобга олиш варағини ёзиб битиради.

Ўқитувчининг маҳорати

Ўз-Ўзидан равшанки, биз дастурини бажариш жараёнида маъқул бўлган методларни қўллашни билишимиз керак. Ўқитувчининг методларни тўғри танлай олиши унинг методик малакасининг даражасини кўрсатиб беради.

Үқитувчи түгри савол бериш малакасига эга бўлиши ва савол-жавоб техникасини эгаллаган бўлиши лозим. Бундан ташқари ўқитувчи ноанъанавий методларни қўллаганда фикр-мулоҳазаларни умумлаштиришни ва хulosалар чиқаришни билиши ҳамда гуруҳни бошқариш қобилиятига эга бўлиши керак. Моделлаштириш моделининг методларини қўллаганда ўқитувчи ўйин режасини туза олиши, вазият мазмунини ва иштирокчиларнинг вазифаларини ишлаб чиқиши билиши лозим.

Бизнинг ўқувчилар билан ҳамкорликдаги фаолиятимиз, гуруҳ дарс тизими доирасида, таълимни ташкиллаштириш шакллари қўйидагиларида ўз ифодасини топади:

- жамоа иш- барча ўқитувчилар билан бир вақтда ишлаш;
- гуруҳларда ишлаш
 - жуфтликларда ишлаш;
 - гуруҳда ишлаш;
 - гуруҳлараро иш;
- якка тартибда ишлаш.

Ушбу ташкилий шаклларнинг ҳар бири, жамоавий ва якка тартибда таълимни биргаликда олиб боришни турлилиги, таълим олувчиларнинг мустақиллик даражасини турлилиги ва бошқалар билан тавсифланади.

Гуруҳнинг сон таркибини аниқлаш пайтида вазифани характерини хисобга олиш керак. Вазифаларнинг мураккаблик даражасига қараб кичик гуруҳлар сони қўйидагича шакллантирилади:

- кичик вазифаларни бажариш учун гуруҳнинг оптимал таркиби 3-5 киши (машқлар, Ўқув турнири, китоб билан ишлаш ва бошқалар)
- 5 дан то 7 кишигача – мураккаб вазифалар учун.
- кўп меҳнат талаб қиласиган (чет тиллар бўйича машғулотларда) мураккаб вазифалари учун кўп сонли гуруҳ тузиш зарур;
- бир-бирини тушинишни талаб қиласиган (чет тиллар бўйича дарсларда) машқлар учун жуфтликларда ишлаш яхши.

Назарий дарсларда ўқитувчилар асосан матнли ва ёрдамчи воситалардан, мисол учун дарсликлар ва тарқатма материаллардан ва техник воситалардан фойдаланадилар.

Амалий машғулотларда улар күпроқ тасвирили ва реал воситалардан, яъни эскиз, чизмалар, асбоб-ускуналардан фойдаланадилар.

Ушбу воситалардан фойдаланишда уларни муайян мақсад, мўлжалланган гурух, махсус соҳа ва методларга мос ҳолда танлаш муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари ўқитувчи ўқув ва кўргазмали воситаларни ишлата олишни ва улардан мақсадга мувофиқ ва оқилона тарзда фойдаланишни билиши керак. Техник воситалардан фойдаланаётганда юзага келадиган техник муаммоларни ҳал қила оладиган бўлиши лозим.

Таълим жараёнидаги энг муҳим воситалар юқорида таъриф берилган предметли воситалар ҳисобланади. Бу воситалар дарс жараёнини кўргазмали қилишга, ўқув материалининг ўзлаштирилишини енгиллаштиришга ва ўқувчиларнинг мотиватсиясини оширишга хизмат қиласи.

Ҳозирги замон шароитида, юқори малакали кадрларни тайёрлашда, ўқитишининг ҳозирги замон тизимлари ва янги педагогик технологиялари асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Янги педагогик технологияларни хислати шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни режалаштирилди ва амалга оширилади. дарҳақиқат, машғулотларнинг муваффақиятли ўтишининг 80 % таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқдир. Ўқув жараёнини лойиҳалаштиришда таълим мазмунини, таълим мақсади, кутилаётган натижани тўғри белгилаш, таълим методлари, шакллари ва воситаларини тўғри танлаш, ўқувчиларнинг билим, кўникум ва малакаларини баҳолашни аниқ мезонларини олдиндан ишлаб чиқиши, машғулотга ажратилган вақт ичидаги уларни тўғри амалга ошириш ва бир-бири билан уйғунлашувига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим жараёнини лойиҳалаштириш қўйидаги уч босқичдан иборат:

- таълим мақсадлари ва натижаларини белгилаш;
- натижалар асосида назорат топшириклари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши;
- ўкув жараёнининг технологик харитаси (дарс ишланмаси)ни ишлаб чиқиши.

Ўкув жараёнининг технологик харитаси (дарс ишланмаси)ни ишлаб чиқиши—дарс ишланмаси ўқитувчи учун тузиш мажбурий бўлган хужжатдир. уни тузишдан қўзланган асосий мақсад ўқитувчининг дарс жараёнидаги фаолиятини режалаштириш, дарс мазмуни бойитиш, таълим самарадорлигини оширишдан иборат.

Дарс ишланмаси йилдан-йилга такомиллаштирилиши ва мукаммаллашиб бориши, янги методларни қўллаш, янги материалларни киритиш билан янгиланиб турилиши лозим.

Янги давлат таълим стандартлари ва ўкув дастурларининг жорий этилиши ва таълим жараёнига янги педагогик технологияларни, компьютер, янги ахборот технологиялари ва техник воситаларининг қўлланиши билан дарс ишланмаларига қўйилган талаблар ҳам ўзгариб бормоқда. дарс ишланмалари учун тайёр қолип йўқ, чунки жонли дарс жараёнини ҳеч қандай қолипга солиб бўлмайди. У турли хил шароитларда турли тузилиши мумкин.

Хар бир дарснинг ўкув мақсадлари олдиндан аниқланиши лозим. Аниқланган ўкув мақсадлари, дарс мазмуни бўйича қайси материалларни танлаш, уни ўтказиш бўйича қандай методик ва дидактик материаллардан фойдаланиш лозимлигини белгилаб беради. Шундай қилиб, ҳар қандай таълим жараёнида ўкув мақсадлари таълим мазмуни, методлари ва воситаларини белгилар экан.

Кутилаётган натижалар -бирор бир мавзуга ёки бирор бир бўлимга оид дарс бўйича ўлчаниши мумкин бўлган аниқ якуний билим, қўнікма ва малакаларни ифодалайди.

Шунинг учун уларни ифодалашда, мақсадлар билан бирга уларга эришиш кўрсаткичларини, баҳолаш мезонларини ва бу натижаларга эришиш учун лозим бўлган шарт-шароитлар тавсифини бериш ҳам лозим бўлади. Кутилаётган натижаларни белгилашда қуидаги талабларни эътиборга олиш зарур: реал бўлиши керак; аниқ бўлиши керак; вақт жиҳатдан белгиланган; ўлчамли бўлиши керак.

Дарс жараёнининг 6 босқичи

1-босқич. Тайёргарлик. Ташкилий қисм бўлиб, синфни дарсга тайёрлаш, ўқувчилар давоматини текшириш, зарур кўргазмали қуроллар ва жиҳозларни дарсга ҳозирлашни ўз ичига олади.

2-босқич. Тақдимот. Янги мавзуни бошлашга ҳозирлик бўлиб, янги мавзу билан боғлиқ, ўтган дарс мавзуларини такрорлаш, янги мавзуни бошлашдан олдин ўқувчиларнинг бу мавзуга оид билим даражаларини аниқлаш ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда баҳолаш, янги дарс мақсадини ва кутилаётган натижаларни тушунтириш (дарс мақсади, кутилаётган натижа ва ёритилиши лозим бўлган асосий тушунчалар ва атамаларни эълон қилиш)

3-босқич. Иштирок. Янги мавзуни ёритиш. Дарс материалларини кичик кичик бўлакларга бўлиб, кетма –кет маълум узвийликда ва мантиқий боғликларда, кўргазмали тарзда, турли хил ўқитиш методларидан фойдаланган ҳолда ёритиб бериш босқичидир.

4-босқич. Амалиёт. Янги мавзуни мустаҳкамлаш. Олинган назарий билимларни ёрқин мисолларда қўллаш ва турли хил топшириқларни бажариш асосида ўқувчиларда янги мавзуга оид амалий кўникумаларни ҳосил қилиш ва бу кўникумаларни баҳолаш учун топшириқларни бажариш даври. Баҳолаш учун бериладиган савол ва топшириқларни дарс мақсадидан келиб чиқсан бўлиши, мақсадга эришилган ёки йўқлигини ўлчаш имконини бериши керак.

5-босқич. Машғулот натижасининг таҳлили. Дарсга якун ясаш ва баҳолаш. Дарснинг мақсадини ва кутилаётган натижаларга қанчалик эришилганлигини ўқувчилар билан биргаликда аниқлаш, ўқувчиларнинг

саволларига жавоб бериш, дарснинг асосий лаҳзаларини қайд қилиш, ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш, дарс жараёнида ўқувчиларнинг иштирокини ва олинган натижаларни баҳолаш. Буни турли хил усуллар ёрдамида бажариш мумкин. баҳолашдан мақсад ўқувчиларга қандайdir балларни қўйиб борищдан иборат эмас, балки ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини ўз вақтида назорат қилиб бориш ва керак бўлган дарснинг боришига ўзгартиришлар киритиш, тушуниш қийин бўлган материалга қайта тўхталиш учун амалга оширилади.

6-босқич. Сақлаб қўиши. Уйга вазифа. Ўтилган мавзу бўйича билим, кўнишка ва малакаларни янада мустаҳкамлашга ёки келгуси дарс учун ҳозирлик кўришга қаратилган, мустақил бажаришга мўлжалланган савол, машқ ва топшириқлар мажмуаси.

Замонавий дарснинг тузилиши

A. Дидактик тузилиши:

1. Таянч (аввалги) билимларни ва ҳаракат усулларини фаоллаштириш.
2. Янги тушунча ва ҳаракат усулларини шакллантириш.
3. Билимларни қўллаш, билиш ва кўникамларни шакллантири (махсус тақрорлаш ва мустаҳкамлаш)

B). Дарснинг мантиқий-психологик тузилиши.

1. Маълум билимларни тиклаш ва идрок этиш.
2. Ўқувчилар томонидан янги билимларни англаш ва утушниш.
3. билим элементлари ва ҳаракат усулларини умумлаштириш.
4. билим ва янги ҳаракат усулларини намунадагидек ҳамда ўзгартирилган шароитларда қўллай олиш.

B). Дарсда излаш фаолияти босқичлари.

1. Муаммоли вазиятни ташкил этиш ва муаммони қўя олиш.
2. Тахминлар, фаразларни илгари суриш ва уларни асослаш.
3. Фаразларни исботлаш.
4. Муаммонинг тўғри ҳал этилганлигини текшириш.

5. Хулосаларни шакллантириш.

6. Билимларни ностандарт вазиятларда қўллаш.

Г). Дарснинг мотивланган тузилиши.

1. Ўқувчиларни диққатини ташкил этиш ва бошқариш.

2. Фаолият мазмунини шарҳлаш.

Мотивланган ҳолатларни фаоллаштириш.

4. Қўувчилар билан ҳамкорликда дарснинг мақсадини белгилаш.

5. Мақсадга эришишда ютуқли вазиятларни вужудга келтириш.

6. Ўқувчиларнинг ҳаракатларини ижобий ҳис-туйғулар ва ўзига ишончни қўллаб-қувватлаш.

Д). Ўқув фаолияти тузилиши.

Ўқув фаолияти = талаб + мотив + ўқув ҳаракатлари + ўзини-ўзи назорат + ўзини-ўзи баҳолаш.

Е). Дарс типологияси.

1-тип. Янги материални ўрганиш дарси

2-тип. Билимлар, кўникмаларни қўллаш ва мукаммаллаштириш дарси.

3-тип. Билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш дарси.

4-тип. Билимлар ва кўникмаларни тартибга солиш ва назорат қилиш.

5-тип. Арадаш дарс.

Таълим методларини танлаш

Таълим жараёнида самара берувчи интерфаол методларни танлаш вақтида ҳисобга олиш лозим бўлган айрим жиҳатларни қўриб чиқамиз.

Метод танлаш нафақат ўқув мақсадига, балки ўқув материал мазмунига ва бу фаннинг мураккаблигига боғлиқ. Бундан ташқари методларни танлашда ўқувчиларнинг сони, уларнинг ўқув имкониятлари, таълимнинг давомийлиги, ўқув-моддий шароитлар ва ўқитувчининг маҳоратига ва ўрганувчиларни эҳтиёжларига эътибор бериш лозим.

Баъзи методларни қўллашда алоҳида шароитлар талаб қилинмайди: компьютер, маҳсус компьютер дастурлари, магнит доскаси, маҳсус

жихозланган хона ва ҳ.к. Агар Сиз, махсус ўқув-моддий шароитлар талаб қиласидиган методлардан фойдаланмоқчи бўлсангиз, уларни олдиндан тайёрлаб қўйишингиз керак.

Таълим воситалари

Таълим-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш кўп жихатдан таълим воситалари билан қай даражада таъминланганлигига боғлиқ бўлади.

Таълим воситалари олтида турга бўлинади:

1. Матнли воситалар; 2. Тасвирли воситалар;
3. Аудио воситалар; 4. Ёрдамчи (жихоз) воситалар;
5. Моделли воситалар; 6. Реал воситалар.

Маълумот олиш ва маълумотларни қайта ишлаш ўқув дастурлари, махсус адабиёт (дарслик)лар, тарқатма материаллар, имтиҳон ва назорат варақалари ёрдамида амалга оширилади.

Тасвир ва матнни ёзиш ва сақлаш учун доскалар (оқ доска, магнит доскаси), «Пинборд» доскаси, видеопроекторлар, видеопроектор доскаси, кодоскоп, видеомагнитафон, камера, компьютер, флипчартлардан фойдаланиш лозим.

Тарих дарслари самарадорлигини ошириб бориш учун ўқитувчи тарих фанининг ривожланиб боришини системали равишда кузатиб бормоғи керак. Айниқса юқори синф ўқувчиларини тарихдан чоп этилаётган янги асарлар мазмуни билан таништириб боришлари ўқувчи ёшларда тарих ўрганишга бўлган қизиқишлирини янада ўсишга олиб келади.

Кўп йиллар давомида мактаб тарих курсларини ўқитиш тажрибаси шуни кўрсатадики, тарихдан ўтказиладиган таълим-тарбия ишларини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириб бориш, шунингдек кутилган ижобий натижаларга эришмоқнинг асосий шакли - дарсдир. Ўқувчиларга таълим-тарбия бериш, уларнинг билиш қобилияtlари ва тафаккурларини муттасил ривожлантириб

бориши юзасидан турли илмий-услубий ишлар асосан дарс жараёнида амалга ошириб борилади.

Ҳар бир дарс тарихдан ўргатилаётган алоҳида олинган мавзунинг, бир вақтда бутун бир курс юзасидан ўтказиладиган дарслар системасининг мантиқан шаклланиб борадиган ягона занжирини ташкил этади. Тарих дарсига бўлган талаблар жамиятда содир бўладиган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар талаби даражасида, шунингдек, илм-фан, маданият ва айниқса маънавиятда содир бўладиган ўзгаришлар талаби асосида доимо ривожланиб боради. Мазкур ўринда биз Ўзбекистон ва жаҳон тарихини ўрганиш жараёнида мустақил ўзбек давлатини ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларига қандай ёндошмоғимиз ва амалий жиҳатдан бу долзарб вазифани қандай ҳал этилиши муаммоларини сезиб турибмиз.

Дарс самарадорлигини ошириш ҳар бир ўқитувчидан таълим-тарбия жараёнини оптимал, яъни қулай вариантларни пухта ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этади. Дарснинг оптимал варианти деб, дарс жараёнида таълим-тарбия ва ўқувчиларни комплекс ривожланишларини таъминлайдиган ва бир вақтда дарснинг шундай ижобий натижаларини амалга оширишда шударс (мавзу) учун ўқув режаси, шу фанда тематик календар режада мўлжалланган мавзуни ўрганишга дарс давомида шу дарсга, уй вазифаларини бажариш ва текшириш учун ўқувчи ва ўқитувчига ажратилган вақтдан мақсадга мувоғик фойдаланилиб, эришилган максимал ижобий илмий-услубий ва дидактик натижалар комплексига айтилади.

II боб. Тарих дарсларида интерактив усуллардан фойдаланиш

I.1. Тарих дарсларида тарихий тасаввур ва тушунчаларни шакллантиришда интерактив усуллардан фойдаланиш

Умумтаълим мактаблари, академик лисей ва касб-хунар коллежларида ўқитиладиган бошқа фанлар қатори тарих ўқитишида ўқув тарбиявий ишларнинг асосий ташкилий шакли дарс эканлигини яхши биламиз. Ўқувчилар ўқув материалларининг асосий мазмунини синфда, дарс давомида, ўзлаштириб оладилар, лекин ўқувчиларни тарих дастури юзасидан ўрганиш зарур бўлган билим ва малакаларни ҳаммасини ҳам синфда машғулот доирасида сингдириб бўлмайди. Бунинг устига тарихий билимлар илмий-сиёсий информасиялар ҳажми тез кенгайиб бораётган шароитда ўқувчилар ўз билимларини тинмай тўлдириб боришлари учун синфдан мустақил ишлашларини ҳам йўлга қўйиш талаб этилади.

Тарих севиб ўқиладиган фандир. Уни ўрганиш жараёнида ўқувчиларда ўтмишни пухта билиб олиш тилаги ортиб боради. Улардаги бу истакни интерфаол усуллар билан қондириш мумкин.

Куйида интерфаол усулли технологиялардан намуналар келтиришга ва уларнинг афзалликларини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қиласиз.

“Давра сухбати” усули

Давра сухбати- ўқувчилар ўртасида ва кичик гурухларда айлана стол атрофида ўз фикр- мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиши усулидир.

Давра сухбати усули қўлланганда, стол- стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир ўқувчининг бир- бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришга ёрдам беради. Давра сухбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сухбатида ўқитувчи мавзуни бошлаб беради ва ўқувчилардан ушбу мавзу бўйича ўз фикр- мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир ўқувчи ўз фикр- мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган ўқувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим булса, барча фикр — мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг

муҳокама қилинади. Бу эса ўқувчиларнинг мустақил фикрлашишига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Ёзма давра сұхбатида ҳам стол,стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир ўқувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир ўқувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва ёнидаги ўқувчига узатади. Конвертни олган - ўқувчи ўз жавобини қоғозга ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги ўқувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча косвертлар йифиб олиниб, таҳлил қилинади.

Давра сұхбати усулининг афзалликлари:

- ўтилган материални яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча ўқувчилар ўзаро мулоқотда бўладилар;
- ҳар бир ўқувчи ўзининг иштирок этиш масъулиятини хис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш имконияти мавжуд.

“Идрок ҳаритаси”

“Идрок ҳаритаси” (Контцептуал ҳарита)нинг асосий қоидаларини XX-асрнинг 60 -йиллари Корнелл университетининг профессори Джозеф Новак ишлаб чиққан бўлиб, у ўз навбатида янги концепсияларни шакллантириш учун илгариги тажрибанинг муҳимлигини кўрсата олган Девид Озубел назариясига асосланган.

Таклиф этилаётган усул янги билим ва ахборотларни конспектлаштиришнинг стандарт чизмасини ишлашга хизмат қиласи ва дарснинг узундан узоқ конспектини ёзиш юқидан халос этади.

Харитани тузиш ўқувчига:

- асосий, иккиламчи, учламчи (ва ҳ.к.) шохчалар (чизиқлар) ларни ишлатиш хисобидан иерархик тартибда мавзунинг асосий *гояларни структуралашига*;
- равшан ва рангли образлар орқали *гояни кучайтишига*;
- улар орасидаги *боғлиқликни намойиш этишига*;
- ранг, шрифт размери, бўрттириш ва ҳ.к.лар билан *контцепсияларни ажратишига*;

- махсус белгилар ёрдамида ғояларни баҳолаши ва изоҳлашга имкон беради.

Бу қандай амалга оширилади?

Идрок харитасини тузиш, асосий ғояни расм, белги ёки график шаклда ёзиш ва асосий фикр билан боғланган янги, ассотсиатсияли ғояларни фикрлаб кўришдан иборат. Ўқувчи ўзи томонидан ёзилган муҳим ғоялар устига диққатни жамлаши орқали билимларни шундай усулда баён қиласдики, бу ўқувчига янги ахборотни тушуниш ва эслаб қолишга ёрдам беради.

Амалга ошириши босқичлари:

1-қадам. Асосий ғояни марказга қўйинг

Кўпгина ўқувчиларга идрок харитасини ландшафт усулида чизиш учун дафтар варағининг ёйилган ҳолатида ишлаш қулайроқ туюлади. Бундай вазиятда асосий ғоя ёки мавзу расм, белги ёки график шаклда дафтар варағининг марказида жойлашади ва бу марказий ғоя атрофида бошқа фикрларни ёзишга максимал жой қолдиради.

2-қадам. Тезкорлик билан мавзунинг асосий ғояларини ифодаловчи чизиқларни чизинг ва унга ғояни ёзинг

Бу босқичда хар бир фикрни идрок харитасига киритиш муҳимдир, ахборотни тузатиш учун сизда кейинроқ етарли вақт бўлади. Базида бу мавзуни тушунишда калит сифатида ҳал қилувчи омил бўлади.

3-қадам. Боғлиқликларни изланг

Тафаккур харитада пайдо бўлган фикрлар орасидаги боғлиқликни кўрсатиши учун, чизиқларни, рангларни, кўрсаткич белгиларини ёки бошқа барча белгиларни ишлатинг.

Ушбу боғлиқликлар янги ахборотни тушунишингизда ёки ишнинг структурали режасини тузишда муҳим бўлиши мумкин. Харитани шахсий белгилар ва расмлар ёрдамида тузатганингизда сизга эслашга ва тушунишга кўмаклашадиган фикрлар орасидаги визуал ва маъноли боғлиқликларни ўрнатинг.


4-қадам. Бош ҳарфлардан фойдаланинг

Бош ҳарфлардан фойдаланиш ғояси фақат муҳим қисмларни ёзишга сизни рағбатлантиришдан иборат. Бош ҳарф билан ёзилган сўзларни диаграммаларда ўқиши осон бўлади. Бундан ташқари, тушунтирувчи сўзларни майда ҳарфлар билан ёзиши хоҳлаб қолишингиз мумкин. Айрим ўқувчилар буни идрок харитасига яна бир бора кейинги боскичда киришганда амалга оширадилар, айни шу вақтнинг ўзида бошқалар шундай шаклда, мисол учун баҳолаш мезонларини ёзишади.

5-қадам. Катта жой қолдиринг

Енг фойдали идрок хариталари – бу вақт ўтиши жараёнида ахборотлар билан тўлдириб бориши имконият бор бўлган хариталардир. Идрок харитасининг дастлабки чизмасини тайёрлаганингиздан сўнг, сиз қандайдир нарсаларни ажратишингиз, ахборот ёки савол билан мавзуни ўрганишнинг бутун даври давомида, то имтиҳонлар бошлангунга қадар тўлдиришингиз мумкин. Шу сабабли кўпроқ жой қолдириш тавсия этилади. Масалан:

Амир Темурнинг ҳарбий юришилари



Расмда кўриниб турганидек, идрок харитаси тушунча, пункт ёки саволдан иборат ячейкаларни ташкил этади. Ҳар бир ячейка бошқаси билан стрелкаси билан боғланган. Стрелка муносабат йўналишини англатади ва гап сифатида ўқилади.

Бошқа варианти: сиз асосий мавзудан бошлайсиз, унга таалуқли энг муҳим ғояларни киритасиз, ва унинг атрофидаги шохлар каби жойлаштирасиз, сўнгра эса ушбу мавзуларни шохчалар (2, 3 ва ҳ.к. даражадаги шохлар)да ўз ғояларингизни ёки калит сўзларни жойлаштириш орқали ривожлантирасиз.

Интеллект-хариталарни тузиш учун асос - кўришга оид воситалардан фойдаланишидир. Биринчидан, ёнбошида сўзлар ёзилган шохларни чизасиз. шохлар ғояларни кетма-кетлик билан, муҳимлигига қараб тартиблашга, ўзаро бир-бири билан боғлашга ёрдам беради. Иккинчидан, сиз сўзлар билан ифода этилган ғояларни иллюстратсияси ва изоҳи сифатида расмлардан ҳамда ғояларни шарҳлаш, маълум жойларга ургу бериш учун маҳсус белгилардан фойдаланасиз. Бунинг барчаси харитани ёрқин, эсда қолувчи ва тушунарли қиласи.

«ЛОЙИХАЛАШ» методи ҳақида

Лойихалаш методи- бу Ўқувчиларнинг индивидуал ёки гурӯхларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда ўқувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиха ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гурӯхий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиха ўқув гурӯхининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда ўқувчининг вазифаси белгиланган вақт ичida янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Ўқувчилар нуқтаи- назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у ўқувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиласидиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиха ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбик этиши, ўқувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратса оладиган бўлиши керак.

Ўқитувчи лойиҳалаш методини қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши; лойиҳа ишини дарс режасига киритиши; топшириқни ўқувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиҳа иши билан таништириши; лойиҳалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминланиши лозим.

Лойиҳалаш методини назарий билимларни беришда ҳамда ўқув амалиёти дарсларини ўтказишда фойдаланиш мумкин.

«Лойиҳалаш» методининг афзалик томонлари:

- Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ошишига ёрдам беради;
- Мустақил ўрганишнинг энг фаол йўли;
- Ўқувчиларда ҳамкорликда ишлаш кўникмаси шаклланади.

«Лойиҳалаш» методининг камчиликлари:

- Кўп вақт талаб қиласди;
- танланган мавзу ўқувчининг билим даражасига мос келиши талаб этилади.

“АЖУРЛИ APPA” СТРАТЕГИЯСИ

“Ажурли appa” (французча “ажоур” – бир ёқдан иккинчи ёққа ўтган, икки томони очиқ) стратегияси ўқувчи (Ўқувчи)ларга яхлит муайян мавзуни бир нечта қисмларга ажратиш орқали моҳиятини ёритиш имкониятини яратади. Ушбу метод қўлланилганда ўқувчи (Ўқувчи)лар тайёр матнлар билан ишлайди.

Машғулотда стратегияни қўллаш қўйидаги тахлитда амалга оширилади:

Үкитувчи ўкувчи (талаба)ларни стратегияси моҳияти билан таништиради

Уларни гурухларга ажратади

Ўзлаштириладиган материаллар матни бир нечта қисмларга ажратилган ҳолда алоҳида қофозларда қайд қилинади

Матнли материаллар жойлаштирилган пакет гурухларга тарқатилади

Гурухлар матнли материаллардан фойдаланиб, топширикни бажаради


Топшириқ бажарилгач, ҳар бир гурухдан матнни яхши ўзлаштирган ўкувчи (талаба) ажратиб олинниб, улардан эксперт гурухи шакллантирилади

Эксперт гурухи аъзолари ўзлари ўзлаштирган материал мазмунини бошқаларга етказиш режасини тузади

Эксперт гурухи аъзолари ўзлари ўзлаштирган материал мазмунини бошқа гурухларга ҳам ўргатади

Стратегияни қўллашда ўкувчи (Ўкувчи)ларнинг мавзуни пухта ўзлаштирганликлари, ўзлари эга бўлган билимларни бошқаларга етказиб бериш лаёкатига эга бўлишлари муҳим саналади.

“Ажурли appa” стратегиясининг технологик модели қуйидагича:



“АКВАРИУМ” СТРАТЕГИЯСИ

Таълим жараёнида ушбу технологияни қўллашдан мақсад ўкувчи (Ўкувчи)ни маълум муаммо бўйича фикрлаш, ўз фикрини баён этиш, муаммони шерик (сухбатдош) билан биргаликда мухокама қилишга ўргатишдан иборат.

Стратегияни қўллашда қўйидаги ташкилий ҳаракатлар ташкил этилади:

Ўкув хонасида стуллардан иборат иккита доира ташкил этилади;
1-дирада стуллар ташқарига, 2-дирада эса ичкарига қараб жойлаштирилади

Ўкувчилар икки гурӯхга бўлиниб, 1-гурӯх стуллар ташқарига қаратиб қўйилган доирадан, 2-гурӯх эса стуллар ичкарига қаратиб қўйилган доирадан жой олади

1-гурӯх (ташқи доира)дагилар “Таҳлилчилар”, 2-гурӯх (ички стуллар)дагилар “Кузатувчилар” ролини бажаришади

Таълим жараёнида стратегияни қўллаш тартиби қўйидагicha:

Ташқи доирадаги ўкувчиларга мухокама қилиш учун савол берилади

Ўкувчилар ўйлаб олганларидан сўнг саволни чап томонида ўтирган шериги билан 1-2 дақиқа мухокама қиласди


Ўқитувчининг ишораси билан “Таҳлилчилар” (ташқи доирадагилар) бир ўрин чапга сурилиб, ўша саволни янги шериги билан мухокама қилишади

“Таҳлилчилар” ўрин алмаштиришда 1-шерикларига яқинлашгунларича ёки янги шериклар бўлгунга қадар саволни мухокама қилишни давом эттиради

Изоҳ: “Таҳлилчилар”нинг асосий вазифаси савол юзасидан муҳокамани ташкил этиш, “Кузатувчилар”нинг асосий вазифаси эса 1-гурух (“Таҳлилчилар”) фаолиятини кузатиб баҳолашдан иборат.

“ИЖОДИЙ ИШ” МЕТОДИ

Метод ўқувчи (Ўқувчи)ларни ижодий фаолликка ундаш орқали уларда ўзлаштирилган назарий билимлар асосида мавзу моҳиятини ёритиш, янгича талқин этиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Уни қўллашда ўқувчи (Ўқувчи)ларнинг эркинлиги таъминланади, мустақил фикрлашлари учун имконият яратилади. Ўқувчи (Ўқувчи)лар мавжуд билимларига таянган ҳолда ўрганилаётган мавзу моҳиятини очиб беради.



“КИЧИК ЭССЕ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия кичик ҳажмли, эркин баён усулига эга бўлиб, ўрганилаётган муаммо ёки таҳлил қилинаётган масала юзасидан шахсий таассурот, тасаввурларни ифодалашга хизмат қиласди. У ўқувчи (Ўқувчи)лар томонидан ўрганилган мавзу, муҳокама қилинаётган масала бўйича эркин фикр билдириш, мазмун-моҳиятини қайта баён қилиш имконини беради. Кичик эссени яратишида ўқувчи (Ўқувчи)лар мавзу ғояларини умумлаштириш, тизимлаштириш, турқумлаштириш, хулосаларни баён этиш имконига эга бўлади.

Машғулотларда стратегияни қўллаш куйидаги тартибда йўлга кўйилади:

Ўқитувчи кичик эссени яратиш учун муаммо ёки масалани танлайди

Ўқитувчи танланган муаммо (масала) билан ўқувчи (талаба)ларни таништиради

Ўқувчи (талаба)лар муаммо (масала)нинг умумий моҳияти юзасидан фикр юритади

Ўқувчи (талаба)лар шахсий фикрларини баён этиш усулини белгилаб олади

Хар бир ўқувчи (талаба) кичик эссени яратади

Кичик эссе синф (гурух) жамоасининг эътиборига ҳавола этилади

Синф (гурух) жамоаси аъзолари эссе юзасидан ўз фикрларини билдиради

“МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ!” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўқувчи (Ўқувчи)ларда ўрганилаётган мавзу, муҳокама қилинаётган масала ёки тадқиқ этилаётган муаммо бўйича шахсий фикр-мулоҳазаларини билдириш, фикрларни далиллар билан исботлаш, уларни химоя қилиш, мантиқий хуносаларни илгари суриш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласи. У ўқитувчи ва ўқувчи (Ўқувчи)лар ўртасидаги таълимий ҳамкорликни қарор топширишга ёрдам беради. Машғулотларда стратегияни қўллаш орқали ўқувчи (Ўқувчи)лар дарснинг ташкилий жиҳатлари, самарадорлиги хусусида ўз фикрларини баён қилиш имкониятига эга бўлади.

Ўқувчи (Ўқувчи)лар иштирокида стратегияни қўллаш қўйидаги тартибда ташкил этилади:

1. Ўқитувчи ўрганилган мавзу бўйича аниқ муаммони танлайди.
2. Ўқувчи (талаба)ларнинг муаммо юзасидан фикр юритишлари учун вақт ҳажми (6 дақиқа) белгиланади.
3. Ўқувчи (талаба)лар муаммо юзасидан мушоҳада юритади.
4. Белгиланган вақт якунинга етгач, ўқувчи (талаба)лар навбатма-навбат муаммонинг ечими хусусидаги фикрларини билдиради.
5. Жамоа ўқитувчи ёрдамида энг яхши ечимни аниқлайди.
6. Ўқитувчи машғулотни якунлайди

“МОДЕЛЛАШТИРИШ” МЕТОДИ

“Моделлаштириш” (“модулус” – ўлчов, меъёр) методи ўкувчи (Ўқувчи)ларда ўзлаштирилган мавзу, масала ёки ҳал қилинган муаммо юзасидан мантиқий фикрлаш, мавзу, масала ёки ҳал қилинаётган муаммонинг умумий моҳиятини модел (шартли белги)лар ёрдамида ифодалаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди.

Уни қўллашда танланган объект моҳияти, муҳим хусусиятлари, уцувор жиҳатларини тўла очиб беришга эътибор қаратилади.

Машғулотда методдан фойдаланиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

Ўқувчи (талаба)лар мавзу (масала, муаммо) моҳиятини пухта англаб олади

Ўқувчи (талаба)лар мавзу (масала, муаммо) моҳиятини тўлақонли ифода этадиган асосий жиҳатлар, таянч тушунчаларни ажратади

Таянч тушунчалар ёрдамида умумий модел яратилади

Ҳар бир ўқувчи (талаба) модел ёрдамида ўрганилган мавзу (масала, муаммо)нинг моҳияти тўғрисида жамоага маълумот беради

Ҳар бир ўқувчи (талаба) томонидан таклиф этилган моделнинг мақсадга мувофиқ яратилганлиги, мавзу (масала, муаммо) моҳиятининг очиб берилиши жамоа томонидан муҳокама қилинади

“МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўқувчи (Ўқувчи)ларни ўрганилаётган мавзу бўйича муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатларини ўрганиш, ечимларини топишга ундаш орқали уларда муайян кўникма, малакаларни шакллантиришга хизмат қиласди.

Машғулотлар жараёнида “Муаммоли вазият” стратегиясини қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Мавзу юзасидан муаммоли вазиятларни шакллантириш

Муаммоли вазият мазмуни билан ўқувчи (талаба)ларни таништириш

Ўқувчи (талаба)ларни кичик гурӯҳ (жуфтлик)ларга ажратиш

Гурӯҳ (жуфтлик)лар томонидан муаммоли вазият ечимини топиш бўйича амалий фаолиятнинг ташкил этилиши

Гурӯҳ (жуфтлик)лар томонидан муаммоли вазият юзасидан ўз ечимларининг баён қилиниши

Гурӯҳ (жуфтлик)ларнинг ечим борасидаги фикрларини умумлаштириш

Гурӯҳ (жуфтлик)лар томонидан тақдим этилган ечимларнинг мақбуллик даражасини ўрганиш (оммавий муҳокама қилиш, эксперtlар муҳокамасидан ўтказиш)

Энг тўғри, мақбул ечимни аниқлаш

“МУНОСАБАТ” МЕТОДИ

Технология ўқувчи (Ўқувчи)ларга улар томонидан мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни эркин баён қилиш, мазмунини ўз фикри, хаётий мисоллар ёрдамида ёритилишини таъминлашга хизмат қиласди. Ўқув жараёнида технологиядан фойдаланиш ўрганилаётган муаммо бўйича муайян масалаларни ҳал этиш, маълум жараён (воқелик, ҳодиса)нинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этиш йўлларини топиш асосида ўқувчи (Ўқувчи)ларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, фикрини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқа олиш кўникма, малакаларини хосил қиласди. Технология тарбиявий характерга эга бўлиб, ўқувчи (Ўқувчи)ларга ўзларида ижобий фазилатларни қўпроқ шакллантириш, салбий хислатлардан эса воз кечишлирида ёрдам беради.

Изоҳ: 1. “Ақлий хужум” вақтида гурӯҳлар ўқитувчи томонидан баён этилган фикрнинг учта жиҳати, омили бўйича ўз мулоҳазаларини эркин баён этади. Ўқитувчи уларни ёзув тахтаси ёки ватман қоғозига ёзиб боради.

2. Топшириқ бажарилишидан аввал ўқитувчи гурухларга ватман қоғозлардаги схемани тұлдириш лозимлигини, унинг тартибини тушунтиради.

3. Кичик гурухлар қуидаги схема асосида топшириқтарни бажаради:

Муаммо	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ҳал қилиш ечимлари	Сизнинг хulosангиз

Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради ва бирор фикр (хикматли сўз)ни ўртага ташлайди

Ўқитувчи ўқувчи (талаба)лар ўртасида “Ақлий ҳужум” ташкил этади

Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни кичик гурухларга ажратиб, ватман қоғозларда ифодаланган схемани 1-кичик гурухга беради

Гурухлар схема асосида топшириқни бажаришга киришади

1-кичик гурух ўқитувчи томонидан тавсия этилган муаммолардан бирини танлаб, уни муҳокама қилади ва схеманинг 1-бандига мұаммонинг мөхиятини ёзади

Ўқитувчи схемани 2-кичик гурухга беради

2-кичик гурух схеманинг 2-бандидаги топшириқни бажаради

Ўқитувчи схемани 3-кичик гурухга беради

3-кичик гурух схеманинг 3-бандидаги топшириқни бажаради

Ўқитувчи схемани 4-кичик гурухга беради

4-кичик гурух схеманинг 4-бандидаги топшириқни бажаради

Схемада берилген вазифаларнинг барчаси бажарилғач, гурухлар ўз ишларини ҳимоя қилади

Ҳимоя тугатгандан сўнг жамоа ҳар бир гурух ишини муҳокама қилади

Жамоа ўқитувчи раҳбарлигига энг яхши фикрни танлаб олади ва ўқитувчи машғулотта якун ясайди

“МУАММО” СТРАТЕГИЯСИ

Стратегия ўқувчи (Ўқувчи)ларни мавзудан келиб чиқиб, турли муаммоли масала ёки вазиятларнинг тўғри ечимини топиш, муаммо моҳиятини аниқлашга доир малакаларни шакллантириш, уни ечишнинг айрим усуллари билан таништириш, ечимни топиш учун мос усулларни тўғри танлаш, муаммонинг келиб чиқиши сабаблари, шунингдек, ечимни топишга йўналтирилган ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлашга ўргатади.

Таълим жараёнида стратегияни қўллаш қўйидагича кечади:

Ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни гуруҳларга ажратиб, уларни мос ўринларга жойлаштиргандан сўнг, машғулотни ўtkазиш қоидаси билан таништиради

Ҳар бир гурух аъзоси расм ёки матндаги ҳаётий лавҳа бўйича биргаликда аниқланган муаммони ватман қоғозларга фломастер ёрдамида ёzáди

Берилган вакт ниҳоясига етгач, гуруҳлар ўз ишларини намойиш қилади

Ўқитувчи гуруҳлар томонидан танланган ва муаммолар ёзилган қоғозларни алмаштирган ҳолда гуруҳларга қайта тарқатади

Ҳар бир гурух аъзоси қоғозларда ёзилган муаммолар орасидан ўзини қизиқтирган муаммони танлаб олиб, уни ўқитувчи томонидан тавсия қилинган жадвалда қайд этади ва таҳлил қилади

Синф (гурух) жамоаси ўқитувчи раҳбарлигига гуруҳлар ҳамда ҳар бир ўқувчи (талаба)нинг ишини муҳокама қилиб, энг яхши ишни танлайди

Ўқитувчи машғулотга якун ясади

Изоҳ: 1. Ўқитувчи ўқувчиларни стратегиядан фойдаланиш қоидалари билан таништиришда машғулотнинг босқичли бўлиши, ҳар бир босқичда ўқувчи дан эътиборли бўлиш талаб қилиниши, машғулот давомида улар якка, гуруҳ ва жамоа бўлиб ишлашларига ургу бериб ўтиши лозим. Бундай йўл тутиш ўқувчиларнинг топшириқларни бажаришга руҳан тайёр бўлишларига ёрдам беради, уларда қизиқини уйғотади.

2. Стратегия асосида ишлашда ўқувчилар томонидан машғулот учун тайёрланган плакат, расм, афиша ёки бирор муаммо баён қилинган матн, дарслик, ёрдамчи адабиётлардан бирор бир материални ўрганиб, унда ёритилган муаммоларни аниқлайди ва уларни хотирада сақлаб қолади ёки дафтарларга белгилаб қўяди.

3. Ўқувчилар топшириқни индивидуал равишда бажаришлари учун ўқитувчи томонидан қўйидаги жадвал тавсия этилади:

Муаммо тури	Муаммонинг келиб чиқиши сабаблари	Муаммонинг ечиш йўллари (амалий ҳаракатлар)
1.		
2.		

«ЙЎНАЛТИРУВЧИ МАТН» методи ҳақида

Йўналтирувчи матн-ўқувчилар мустақил равишда йўналтирувчи саволлар ёрдамида маълумот йиғиш, режалаштириш, амалга ошириш вазифаларини бажарадиган методдир.

«Йўналтирувчи матн» методи лойиҳалаш методи билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу икки методни бир-биридан қўйидаги нуқтаи назар бўйича фарқлаш мумкин:

- «Йўналтирувчи матн» методи ўқувчиларнинг мустақил ўрганишига қаратилган;
- «Лойиҳалаш» методи эса ўқувчиларнинг мустақил ўрганишидан ташқари, эътиборни касб ўрганишда керак бўладиган шахсий қобилиятлар ва кўникмаларни такомиллаштиришга қаратилган.

«Йўналтирувчи матн» методидан ўқув амалиёт дарсларида фойдаланилади. Ушбу методни ўтказиш босқичлари лойиҳалаш методининг босқичлари билан бир-хилдир. Маълумот йиғиш, режалаштириш, амалга ошириш ва текшириш босқичларида ўқувчилар мустақил ишлайдилар. Қарор қабул қилиш ва хulosा

қилиш босқичларида ўқувчи ва ўқитувчи орасида «қайтар алоқа» ўрнатилиб, биргаликда мұхомама қиладилар. Ўқувчиларга бошланғич босқичларда ўқитувчи томонидан тузилған ёзма хужжатлар берилади. Бундай хужжатларга техник чизмалар, жадваллар, йўналтирувчи саволлар, тарқатма материаллар, топшириклар варақаси, баҳолаш варақаси ва бошқалар киради.

«Йўналтирувчи матн» методининг афзалликлари:

- Ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларининг шаклланишига олиб келади;
- Ўқувчиларнинг мустақил ўрганиш кўникмаларини шакллантиради;
- Ўқувчиларда мулоқот қилиш, ўз натижаларини ўзи текшириш кўникмаларини ривожлантиради;
- Ўқувчиларда иш-ҳаракатларни режалаштириш, мустақил қарор қабул қилиш каби кўникмаларини ривожлантиради.

«Йўналтирувчи матн» методининг камчиликлари:

- Кўп вақт талаб қилади;
- Танланган мавзу ўқувчининг билим даражасига мос келиши талаб этилади;
- Ўқитувчидан катта тайёргарлик кўриш талаб этилади.

Таълим мақсадлари-бу муайян таълим жараёни якунида таълим оловчи томонидан ўзлаштирилиши, янги ҳосил қилиниши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни олдиндан белгилаш маҳорати ҳисобланади.

Агар дарснинг мақсадлари аниқланмасдан ўтказилса, у ҳолда унинг мазмуни ва дидактик тузилиши у ёки бу даражада тасодифга боғлиқ бўлади. Дарснинг мақсадлари аниқ бўлган тақдирдагина уларнинг мазмунини белгилаш ва дарсни дидактик нуқтаи-назардан ишлаб чиқишиш мумкин. Шу боис, ҳар бир ўқитувчи ва педагог учун ўқув мақсадларини белгилаш, тўғри қўя олиш ва танлаш кўникмаларига эга бўлиш таълим жараёнида жуда мухим аҳамият касб этади.

2.2.Интерактив усулларининг ютуқлари ва таълим жараёнидаги аҳамияти

Ўқувчиларда ҳодисалар тарихий жараёнлар ҳақида этарли даражада тўлиқ ва аниқ тасаввурлар мавжуд бўлгандагина тушунчалар ҳосил бўла олади. Тарих ўқитиши жараёнида ўқувчиларнинг тасаввурлари чукурлашиб бориши натижасида тушунчаларни шакллантириш учун замин яратилади. Тушунчалар ўз навбатида тасаввурларни мазмунан бойитиб, аниқлашиб боришига ёрдам беради. Тасаввур ва тушунчаларни ҳосил қилиш методик усуллари ҳам кўпчилик ҳолларда бир-бирига ўхшаб кетади.

Тасаввурлар ҳосил қилишнинг асосий усул ва воситалари.

Тарих ўқитишида ўқувчиларнинг кўз ўнгида ўтмишдаги ижтимоий ҳаётнинг яхлит манзараларини шакллантиришда жонли ва ёрқин образлардан фойдаланишининг аҳамияти каттадир. Шунга эришиш керакки, баён қилинган ҳар бир тарихий факт, географик ном ва шахс фаолияти образли бўлсин. Образлилик – ўқувчиларнинг тарихдан оладиган билимларини илмий ва пухта бўлишининг зарур шартларидан бири, тарихий вақеаларни модернизация қилишнинг олдини олиш омили, тарихга қизиқишини уйғотиш ҳамда тарихий фактларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишнинг муҳим воситасидир.

Тасаввурларни шакллантиришда тарихий ҳодисалар образларини ўқувчилар актив суратда идрок этишига қаратилган усуллардан фойдаланади. Ўқитувчи ҳикоясининг мазмунан кўргазмали ва образли бўлиши, дарслик матнидаги, тарихий хужжатлардаги воқеалар ва тасвирий элементлар, бадиий адабиёт асарлари ўқувчиларда тарихий тасаввурларни шакллантиришининг асосий манбаи бўлиб хизмат қиласи. Ўқитувчи материални баён қилаётганда, тарихий хужжатлардан, илмий оммабоп ва бадиий адабиёт асарларидан олинган ёрқин тафсилотларга ҳамда ўқувчилардаги тарихга қизиқишининг ортиши, уларнинг муҳим тафсилотларни ажратиб олиши ва хотирада сақлаб қолишиларига ёрдам беради. Бироқ, ўқувчиларда аниқ ва пухта тасаввур ҳосил

қилиш учун ўқитувчи баёнининг жонли ва эмоционал бўлишини ўзи кифоя қилмайди. Ўқитувчи ўқувчиларнинг фаол фикрлашини ташкил қилиши ва унга раҳбарлик қилиши лозим. Ўқитувчи кўргазмали қуролни шундайгина кўрсатиб, унинг мазмунини тушунтириб, хужжатларни ўқиб қўя қолмай, балки ҳикоядаги энг муҳим жойларни алоҳида интонация билан таъкидлаши, кўргазмали қуролларни, матнларни ўқувчиларнинг фаол иштирокида таҳлил қилиб, ундаги энг муҳим элементларни ажратиб чиқиши, ўрганилган хужжатлардаги у ёки бу жиҳатларга улар диққатини жалб қилиши лозим.

Тарих бўйича ҳар бир синф дастурларининг охирида асосий тушунчалар мазмуни белгилаб берилган. Бу тушунчалар курснинг илмий мазмунини, ғоявий-назарий асосларини аниқлаб олиши, конкрет тарихий материални таҳлил қилиш ва умумлаштириш бўйича иш усусларини белгилаб олишга ёрдам беради. Тарихий тушунчаларни ҳосил қилиш деганда ўқувчиларнинг тарихий фактларнинг энг муҳим белгиларини иккинчи даражали белгиларидан ажрата билиш; уларни гуруҳларга бўла олишни, тарихий воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги боғланиш муносабатларни чукур англаб тушуниб олиши кўзда тутилади. Ана шу таҳлитда шаклланган, мукаммал тарихий тушунчалар илмий билимлар системасини вужудга келишида бамисоли занжир вазифасини ўтайди.

Тарихий ўқитиш жараёнида тарихий тасаввурлар билан тушунчаларни шакллантириш узвий боғланган бўлиб, бир вақтнинг ўзида амалга ошади. Юқорида таъкидланганидек, тарихий тушунчаларни шакллантиришда ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларини рағбатлантириш ва унга раҳбарлик қилиш муҳим рол ўйнайди. Ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар ҳодисани фикран бир неча қисмга бўлиб, унинг муҳим белгиларини ажратиб олиб, муҳим бўлмаган белгилардан айирадилар ҳамда бир турдаги ҳодисаларнинг энг муҳим белгиларини умумлаштирадилар. Ўқувчиларда тарихий тушунчалар ҳосил бўлишига олиб келадиган бу мантиқий фаолият, кўпинча тарихни ўқитиш давомида тарихий тасаввурлар ҳосил қилиш учун хизмат

қиладиган янги материални идрок этиш билан қўшилиб кетади. Ўқитувчи расмни ёки дарсликдаги суратларни таҳлил этиб, уларнинг мазмунини анализ ва синтез қилганда, ўкувчиларда ўрганиладиган ҳодисаларнинг муҳим белгиларини акс эттирувчи ёрқин, аниқ тасаввурлар ҳосил қилишга қаратилган иш олиб бориш билан бирга, ҳодисаларнинг ўша белгиларини умумлаштирувчи тушунчалар ҳосил қилишга қаратилган иш ҳам олиб боради. Лекин тушунчалар ҳосил қилишга қаратилган иш ўкувчилар томонидан ҳатто илгарироқ ўзлаштириб олинган материал асосида олиб борилаётган тақдирда ҳам, бу иш ўкувчилардаги мавжуд тасаввурларни актуаллаштириб, ҳодисалар билан биринчи бор танишилган пайтда уларнинг пайқалмай қолган ёки ажратиб олинмаган белгиларни кўра билишга ва ажратиб олишга ёрдам беради. Ҳодисалар ўртасидаги боғланиш ва муносабатлар қанчалик кўпроқ ва ҳар томонлама очиб берилиб, уларнинг маъноси қанчалик чуқурроқ тушуниб этилган сари, умуман, тарих билимлари шунчалик юқорироқ даражада системалашиб, ҳар бир ҳодисанинг тарихий жараёндаги ўрни ва роли шунчалик аниқроқ аниқлаб олина боради.

Тарих ўқитишда тушунчаларни шакллантиришнинг усул ва воситалари хилма-хил бўлиб, аввало у тушунчаларнинг мазмунни мураккаблигига боғлиқ. Масалан, моддий буюмлар (гарпун, омоч, кема) тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш учун бир ёки бир неча соат дарс кифоя қилса, социологик тушунчалар (ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари, синфий кураш, идеология ва бошқа) ўкувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган холда барча тарих курсларини ўрганиш давомида ўзлаштирилади. Ўкувчилардаги тушунчаларни чуқур ва мустаҳкам бўлиши, асосан, ўқитувчининг ўкувчилар фикрлаш фаолиятини қанчалик уйгота олиши ва унга қай даражада раҳбарлик қила билишига боғлиқ. Тарихий тушунчалар ҳосил қилишда ўкувчиларнинг воқеа ва ҳодисаларни анализ, синтез қила олиш қобилиятини ўз ичига олган фикрлаш фаолиятини кучайтиришда таълимнинг фаол методлари – муаммоли таълим, эвризик сухбат методларидан фойдаланиш, ўкувчиларнинг

кўргазмали қуроллар, таълимнинг техника воситалари, тарихий хужжатлар билан ишларини уюштириш, уларга тарихни чукур ўрганиш билан боғлиқ бўлган турли амалий характердаги ишларни топшириш алоҳида аҳамиятга эга.

Бир турдаги воқеа ва ҳодисалар, тарихий жараёнлар ҳамда сабаб-оқибат боғланишлар мазмунини таққослаб ўрганиш жамият тараққиётининг айрим ва баъзи бир умумий қонуниятларини тушуниб олиш имконини беради. Ўқитувчи воқеа ва ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатлари ўртасидаги алоқа ҳамда боғланишларни, қўпинча, дацлаб бир мамлакат тарихини ўрганиш пайтида илгари ўрганилган ҳодисаларга ўхшаш ҳодисаларга дуч келганда ўқитувчи ўқувчиларга бир-бири билан ўхшаш сабаб-натижали боғланишлар тўғрисидаги билим малакаларини ўрганилаётган ҳодисаларни изоҳлаб беришга дедуктив суратда таққослаб бориш ўқувчиларни: ҳодисалар ўртасидаги бу боғланишлар тасодифий бўлмай, балки барқарор ва зарурий қонуният эканлиги тўғрисида хulosса чиқаришга олиб келади. 6-7 синфларда Қадимги дунё ва Ўрта асрлар тарихини ўрганиш жараёнида қонуният термини кўлланилмасада, ўқувчиларни қонуният нималигини тушунишга олиб келади. Қадимги дунё тарихида “Қадимги Миср” мавзуси материали асосида ўқувчилар меҳнат қуролларининг такомиллашиши, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ортиқча маҳсулотни ишлаб чиқарилиши, кишини киши томонидан эксплуатация қилиш учун имконият яратилганлиги, синфларни ва давлатни пайдо бўлишига сабаб бўлганлигига тушуниб оладилар.

Сабаб натижса алоқалари. Ҳар бир фактнинг сабаблари ундан олдинги фактларда мавжуд бўлади ва шу фактнинг ўзи ҳам, ўз навбатида, кейинги фактларнинг сабаби бўлмоғи мумкин. Ҳар бир йирик тарихий факт ижтимоий ҳаётнинг қўпинча турли соҳаларида мавжуд бўлган бир қанча сабаблар натижасида вужудга келади. Тарихий ривожланишнинг қонунларини чукур ўрганишда таққослашнинг аҳамияти каттадир. Масалан, ўқитувчи Қадимги дунё тарихини охирларида “Қадимги Ҳиндистон” ёки “Қадимги Хитой” мавзуларини ўтаётганда, ўқувчиларга Қадимги Ҳиндистон, Қадимги Хитой

давлатининг пайдо бўлишини ўзларидаги худди шу ҳақидаги билимлар билан таққослаб ўрганишни тавсия қилади.

Миср, Икки дарё оралиғи, Хиндистон ва шарқий Хитойнинг географик ўрни, иқлими, тупроғи ва ўсимликлари, аҳолининг машғулотларини таққослаб ўрганиш, бу мамлакатларнинг ҳаммаси иқлими иссиқ, ҳосилдор эрларда, катта дарёларнинг водийларида жойлашганлиги, уларда дехқончилик ва чорвачилик эрта ривожланишига сабаб бўлганлиги тўғрисида хulosса чиқаришга, ғоят қулай шароит туфайли, одамлар ибтидоий меҳнат қуролларидан фойдаланишига қарамай, ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарилгани, баъзи одамларни бошқалар ҳисобига яшashi учун имконият туғилганини аниқлаб олишларига ёрдам беради.

Қадимги Шарқ мамлакатларидаги дехқончилик системасини таққослаб ўрганиш, улардаги умумий хусусиятларни, яъни сунъий суғориш ва эрларнинг сувини қочириш йўли билан мўл ҳосил олиш мумкинлигини, меҳнат унумдорлигининг ошиши ва ортиқча маҳсулотнинг пайдо бўлишининг натижаси ўлароқ эксплуатация, синфлар ва давлатлар вужудга келганлигини тушуниб олиш имкониятини беради. Табиат билан бирга, уни авайлаб сақлаши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиши зарурлиги ҳақидаги хulosага олиб келинади.

Шундай қилиб, ижтимоий ривожланиш қонунларини ўрганиш узок муддатли жараён бўлиб, у ўқувчиларда умумий назарий билимлар ва илмий дунёқарашни шакллантириш ишларининг муҳим таркибий қисмидир.

Тарих ўқитиши амалиётида тарихий материалларни пухта ва мустаҳкам ўзлаштиришга ёрдам берадиган кўпгина самарали усуслар бор. Материални баён қилиб боришда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув материали юзасидан оғзаки ва ёзма режа, воқеалар тақвими ва хронологик жадваллар тузишлари, рақамларни ёзиш, графика ёзувларини олиб боришлиари, диаграммалар чизиш ва апликациялардан фойдаланишлари, ёзувсиз харита ва дафтарда ёзув-чизув ишларини олиб боришлиари шулар жумласидандир.

Ўқув материалини ўқувчиларнинг хотирасида мустаҳкам ўрнашишига ёрдам берадиган бу ва шунга ўхшаш бошқа усулларни биринчи гурухга кирган усуллар билан узвий боғланган иккинчи гурухга киритиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, образли-тариҳий тасаввурларни шакллантириш, тариҳий фактлар, хронология ва бошқаларни хотирада мустаҳкам сақлаб қолиши тарихни ўрганишнинг биринчи босқичини ташкил этади, холос. Унинг энг муҳим иккинчи босқичи тариҳий тушунчаларни шакллантиришdir.

Тушунча ўқувчиларга конкрет тариҳий фактлар ва қонуниятларни, уларнинг муҳим белгилари ва хусусиятларини умумлаштириб тушунтириш ва уларни ўқувчиларнинг пухта тушуниб олиши билан юзага келади.

Тушунчани шакллантириш жуда мураккаб ва серқирра жараёндир. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўқув материали устида чуқур ва фаол фикр юритиб, уни таҳлил қилишлари ва умумлаштиришлари лозим. Тариҳий тушунча ўқувчилардаги тариҳий билимларининг учинчи энг муҳим таркибий қисмини ташкил қиласди.

Тариҳий тушунчаларни ўзлаштириш жуда катта таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Тушунчалар ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради, уларнинг тафаккур фаолиятини, билиш малакалари ва қобилиятларини ўциради.

Кейинги йилларда, ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизими амалиётида ўқувчиларнинг фикрларни фаолиятини фаоллаштириш, тариҳий тушунчаларни, жумладан ижтимоий ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги тушунчаларни чуқур ўзлаштиришни таъминлайдиган ўқитиш ва ўрганишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилди.

Хулоса

Тарих ўқитиши жараёнининг таркибий қисмлари (мақсади, мазмуни, ўқитишнинг метод ва усуллари, натижалари) ўртасидаги қонуниятли алоқалар күйидагича намоён бўлади: ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида мақсади, таълим-тарбия вазифаларининг муваффақиятли амалга оширилиши ўқитишнинг мазмунига, ғоявий-сиёсий ва назарий жиҳатдан пишиқ бўлишига боғлиқ бўлганидек, ўқувчиларнинг тарих курсини ўзлаштириш даражаси ҳам ўз навбатида ўқитишнинг ўрганиладиган мавзунинг мақсади, таълим-тарбия вазифалари ва мазмунига мос келадиган таълим шакллари, ўқитиши метод ва усуллари ҳамда воситаларидан қай даражада мақсадга мувофиқ фойдалана билишига боғлиқдир.

Шунингдек, ўқитиши натижалари ўқитувчининг ўқитишдан кўзлаган мақсади, унинг таълим-тарбиявий вазифаларини аниқ белгилай олишига, курснинг мазмунига мос тарзда амалга оширишга ёрдам бера оладиган метод ва усуллардан илмий асосда фойдалана билишига боғлиқдир. Тарих ўқитиши жараёнининг таркибий қисмлари ўртасидаги бу ўзаро диалектик боғланиш натижасида улар бир-бирига узлуксиз таъсир кўрсатиб боради. Тарих ўқитиша ана шу қонуниятларга суюнмасдан, уларни эътиборга олмасдан туриб яхши натижага эришиб бўлмайди.

Тарих ўқитиши ташкил қилиш деганда, тарихни ўқитиши ва ўқувчиларни уни ўрганиши ташкил этиш, уларнинг ўрганиш фаолиятини ўқитувчи томонидан бошқарилишига ёрдам берадиган метод ва методик усуллар, ўқувчилардаги мавжуд билимлари ишга солиш, уларни ижодий билишга йўналтирадиган топшириқлар тизимини ҳамда таълимнинг турли хил кўринишлари (дарс, семинар машғулотлари ва бошқалар) тушунилади.

Ўқитишнинг натижалари деганда эса, ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини, мазмунини муваффақиятли равишда амалга оширилиши - ўқувчиларнинг тарих фани асосларини, тарихий материалга мос самарали метод ва усулларни билишлари ва билимлардан фойдалана олиш малакаларини пухта ўзлаштиришлари, шу

асосда ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини, тасаввури ва нутқини, махсус ва умумий қобилияйтларини ўстириш кўзда тутилади.

Шундай қилиб, ўрта таълим ва ўрта махсус таълим тизимида тарих таълими жараёнининг юқоридаги умумий қонуниятлари қуидаги объектив ва қатъий такрорланадиган алоқаларда намоён бўлади: ўқитишнинг мақсади унинг мазмuni билан белгиланади; мақсад ва мазмунига мос келадиган ўқитиш методи ва усуллари танланади; ўқитишнинг самараси эса ўқитишда эришилган ижобий натижалар билан текширилади, яъни тарихий билимларнинг сифати, ўқувчиларнинг камол топиш даражаси билан ўлчанади.

Таълимни муайян педагогик мақсадга йўналтирмоқ учун ўқитувчи ўрта таълим ва ўрта махсус таълим тизимида тарих ўқитишнинг мақсадини, унинг асосини ташкил қилган таълим-тарбия вазифаларини аниқ белгилаб олиши керак. Бироқ, тарих ўқитиш олдида турган умумий мақсад билан таълим-тарбия вазифаларини билиб олишнинг ўзи кифоя қилмайди. Шу билан бирга, умумий вазифаларни амалга оширишда ҳар бир синфда ўқитиладган тарих курсининг ўрни, вазифалари, ўз навбатида мазкур курсни ўқитишнинг таълим-тарбия вазифаларини амалга оширишда унинг ҳар бир бўлими, бўлимдаги мавзулар, хатто ҳар бир дарсда ўтиладиган мавзунинг ҳам жузъий вазифалари олдиндан белгилаб олиниши керак. Чунки, ҳар бир тарих дарсининг бутун тарих курсининг умумий дарслар тизимида тутган ўрни бор, бу дарсда ўрта таълим ва ўрта махсус таълим тизимида тарих ўқитиш олдига қўйилган умумий вазифанинг қандайдир элементи ёки бўлаги хал этилади.

Тарих ўқитиш мақсадларини белгилашда, аввало таълим ва тарбиянинг узвий бирлигини, ўқитиш давомида ўқувчиларнинг ғоявий-сиёсий савияси муттасил ўсиб боришини, уларда кўникма ва малакалар ҳосил қилишни ҳамда ижодий фаолиятга тайёрланишларини назарда тутмоқ керак. Таълимдан кузатилган мақсадларнинг муваффақиятли равишда амалга ошмоғи учун, улар илмий асосда белгиланмоғи лозим. Бу мақсадлар тарих таълимининг мазмуни ва вазифалари билан белгиланади. Шунингдек, бунда таълимнинг бошқа

шарт-шароитлари: ўқувчиларнинг савияси, билими, кўникма ва малакалари; дарс учун ажратилган вақт, дарсни ўтиш имкониятлари ва бошқалар ҳам назарда тутилади. Таълим мақсадларининг илмий асосда белгиланиши уларнинг реаллигини таъминлайди. Таълимдан кўзланган мақсадларни ўқитувчи қанчалик чуқур англаб олган бўлса, тарих ўқитиш мазмунан шунчалик ғоявий ва тарбиявий натижа беради. Бинобарин, тарих ДТС асосида ўқувчиларга ўргатиладиган тарих таълимидан кўзда тутилган мақсад, таълим-тарбиявий вазифалар олдиндан аниқ белгиланиши ўқувчилар билимининг ривожланиб, чукурлашиб боришига, воқеаларнинг моҳиятини пухта тушуниб олишларига ёрдам беради, зарур кўникма ва малакаларни юзага келтиради, ўқувчиларнинг мустақил ишлаш қобилиятини ўстиради.

Тарих ўқитишнинг самарали бўлишида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш муҳим рол ўйнайди. Дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларнинг билиш фаолиятининг фаол бўлишлiği жуда кўп омилларга, аввало, машғулот мазмунининг ғоявий ва илмий-назарий жиҳатдан юқори савияда бўлишига, ўқитувчининг энг муҳим жонли ва ишонарли тарзда очиб бера олишига ва бу воқеаларни чуқурроқ ўрганиб олишнинг муҳимлигини ўқувчиларнинг тушуниб олиши ҳамда уларда ўрганишга иштиёқ уйғотишга боғлиқдир. Бу ўринда ўқитувчининг ўқувчиларни машғулот мазмунини ўзлаштириб бориши устидан қилган назорати, ўқувчилар ўрганишини бошқара билиши, шунигдек, уларнинг янги билимларини ўзлаштириш учун ўзларидаги мавжуд билим ва малакалардан фойдалана билиши, яъни ўзлаштирилган билим ва эгалланган малакаларини актуаллаштирилиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги замон шароитида, юқори малакали кадрларни тайёрлашда, ўқитишнинг ҳозирги замон тизимлари ва янги педагогик технологиялари асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Янги педагогик технологияларни хислати шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни режалаштирилади ва амалга оширилади.

дарҳақиқат, машғулотларнинг муваффақиятли ўтишининг 80 % таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқдир. Ўқув жараёнини лойиҳалаштиришда таълим мазмунини, таълим мақсади, кутилаётган натижани тўғри белгилаш, таълим методлари, шакллари ва воситаларини тўғри танлаш, Ўқувчиларнинг билим, қўникма ва малакаларини баҳолашни аниқ мезонларини олдиндан ишлаб чиқиш, машғулотга ажратилган вақт ичида уларни тўғри амалга ошириш ва бир-бири билан уйғунлашувига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим жараёнини лойиҳалаштириш қўйидаги уч босқичдан иборат:

- таълим мақсадлари ва натижаларини белгилаш;**
- натижалар асосида назорат топшириқлари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши;**
- ўқув жараёнининг технологик харитаси (дарс ишланмаси)ни ишлаб чиқиши.**

Ўқув жараёнининг технологик харитаси (дарс ишланмаси)ни ишлаб чиқиши—дарс ишланмаси ўқитувчи учун тузиш мажбурий бўлган хужжатдир. уни тузишдан кўзланган асосий мақсад ўқитувчининг дарс жараёнидаги фаолиятини режалаштириш, дарс мазмуни бойитиш, таълим самарадорлигини оширишдан иборат.

Дарс ишланмаси йилдан-йилга такомиллаштирилиши ва мукаммаллашиб бориши, янги методларни қўллаш, янги материалларни киритиш билан янгиланиб турилиши лозим.

Янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг жорий этилиши ва таълим жараёнига янги педагогик технологияларни, компьютер, янги ахборот технологиялари ва техник воситаларининг қўлланиши билан дарс ишланмаларига қўйилган талаблар ҳам ўзгариб бормоқда. дарс ишланмалари учун тайёр қолип йўқ, чунки жонли дарс жараёнини ҳеч қандай қолипга солиб бўлмайди. У турли хил шароитларда турли тузилиши мумкин.

Хар бир дарснинг ўқув мақсадлари олдиндан аниқланиши лозим. Аниқланган ўқув мақсадлари, дарс мазмуни бўйича қайси материалларни танлаш, уни ўтказиш бўйича қандай методик ва дидактик материаллардан фойдаланиш лозимлигини белгилаб беради. Шундай қилиб, ҳар қандай таълим жараёнида ўқув мақсадлари таълим мазмуни, методлари ва воситаларини белгилар экан.

Кутилаётган натижалар -бирор бир мавзуга ёки бирор бир бўлимга оид дарс бўйича ўлчаниши мумкин бўлган аниқ якуний билим, қўникма ва малакаларни ифодалайди.

Шунинг учун уларни ифодалашда, мақсадлар билан бирга уларга эришиш кўрсаткичларини, баҳолаш мезонларини ва бу натижаларга эришиш учун лозим бўлган шарт-шароитлар тавсифини бериш ҳам лозим бўлади. Кутилаётган натижаларни белгилашда қуидаги талабларни эътиборга олиш зарур: реал бўлиши керак; аниқ бўлиши керак; вақт жиҳатдан белгиланган; ўлчамли бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, муаммоли ўқитиши ўқитувчидан алоҳида маҳорат талаб қиласди ва уни ҳеч қандай тайёргарликсиз амалга ошириб бўлмайди. Муаммоли вазиятни вужудга келтириш, бу муаммони ҳал қилиш учун ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш, мустақил фикр юритишга жалб қилиш ўқитувчиidan ижодкорликни талаб этади. Муаммоли таълим жараёнида ўқувчилар манбалардан унумли фойдаланиш орқали мустақил фикрлаш ва мустақил тафаккур юритишга ўрганади. Муаммоли таълимни ташкил қилиш эса ўқитувчи инновацион фаолиятининг натижаси сифатида амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов.И.А. Барқамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.Т., Ўзбекистон. 1997.

3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. “Маърифат” газетаси, 1998 йил 19 август.
4. Каримов И.А. Миллий истиқлол мағкураси- халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Т., “Ўзбекистон”, 2000.
5. Авлиёқурова Н.Х. “Замонавий ўқитиш технологиялари”. Т.: 2001.
6. Азизхўжаева Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Т.: 2006.
7. Болиев М.Н. “Илгор педагогик технология” Самарқанд. 2005.
8. Голиш Л.В. Фаол ўқитиш усуллари: мазмун, танлаш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма. Т.: ТАСИС, 2001.
9. Ишмуҳамедов Р.Ж. “Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари”. (Академик лицей ва касб- хунар коллажлари ўқитувчилари учун услубий тавсиянома) Т.: 2003.
- 10.Ишмуҳамедов Р.Ж. Болаларни тарбиялаш ва соғломлаштириш ишларида педагогик технология (ўзбек ва рус тилларида). - Т.: УДАП, 2004.
- 11.Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
- 12.Коджаспирова Г.М. Педагогика в схемах, таблицах и опорных конспектах,- М.: Айрис-пресс, 2006.
- 13.Колеченко А.К. Энциклопедия педагогических технологий. Пособие для преподавателей. - СПб: КАРО, 2005.
- 14.Йўлдошев Ж.Г. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. (ёхуд ўқитувчи бўлиш осонми) Т., 1998
- 15.Йўлдошев Ж.Ғ. Ж.Ғ.Йўлдошев. Таълим янгиланиш йўлида.-Т.: Ўқитувчи. 2000.
- 16.Йўлдошев Ж.Ғ., С.А.Усмонов. Педагогик технология асослари.-Т.: Ўқитувчи. 2004.
- 17.Йўлдошев Ж.Г. Янги педагогик технология: йўналишлари, муаммолари, ечимлари. «Халқ таълими», 1998. №4

18. Йўлдошев С.В., Жўраева Д.Қ. “Тарих дарсларининг самарадорлигини таъминлашда педагогик технология ва интерфаол методлар” услубий қўлланма/ Фарғона 2017
19. Набиев А., Бўриев О., Шаймардонов И. Ўзбекистон тарихини ўқитишида этнографик материаллардан фойдаланиш. -Т., “Ўқитувчи”, 1996.
20. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар. И қисм. – Т.: 1998.
21. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш юзасидан хукуматимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар тўплами. - Самарқанд, 1999.
22. “Олий ўқув юртларида ўқитишининг замонавий усуллари”. Ўқув услубий қўлланма. Т.: 2002.
23. Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихи дарсларида архив материалларидан фойдаланиш. -Т., “Ўқитувчи”, 1995.
24. Раҳматуллаев Т. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишида археология материалларидан фойдаланиш: (Ўқитувчилар учун қўлланма). -Т. “Ўқитувчи”, 1994.
25. Саъдиев А.С. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиши: Педагогика олий ўқув юртлари тарих қуллиётларининг ўқувчилари учун қўлланма. -Т.: “Ўқитувчи”, 1993.
26. Саъдиев А.С. Мактабда тарих ўқитиши методикаси. -Т., “Ўқитувчи”, 1978.
27. Сафоева э., Шоймардонов И. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишида ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш (Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун). -Т.: “Ўқитувчи”, 1993.
28. Сайдахмедов Н. “Янги педагогик технология” Т.: 2003 .
29. Камолдинов М., Б. Вахобжонов, Инновацион педагогик технологиялар, Т.: 2006.
30. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т.: 2002.

- 31.Толипов Ў., Усмонбоева М. “Педагогик технология: назария ва амалиёт” Т.: 2005.
- 32.Тошпулатов Т., Ғаффаров Я. Тарих ўқитиши методикаси.-Т. “Университет”,1999,
- 33.Фарберман Б.Л. “Илгор педагогик технологиялар” Т.:2000.
- 34.Эгамбердиева Т.А., С.В.Йўлдошев, Д.Жўраева Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ва интерфаол усуллар / (Ўқитувчилар учун услугбий тавсиянома) Фаргона-2013
- 35.Уралова М.,Давлятова Г.Машғулотларда интерфаол усуллардан фойдаланиш. Фаргона.2008.
- 36.<http://www.istedod.uz> - “Истеъдод” жамғармаси сайти
- 37.<http://www.edunet.uz> - мактаблар, ўқувчи ва ўқитувчилар сайти.